БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ
РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ
1 / 2021

# БПК

ОЙЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ
ЕЖЕМЕСЯЧНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИПОТЕКА БОЗОРИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ – 4-бет

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА – 14-бет

ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ – 40-бет

## ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ – ТРАНСПОРТ БУДУЩЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ

– стр. 48




ISSN 2010-6580

IPOTEKA BANK

# FIDOKOR

## KREDITI

# 22%








"Ipoteka–bank" ATIB o'zining 25 yilligi munosabati bilan qadrli o'qituvchi va murabbiylar, shifokor va hamshiralarni moliyaviy qo'llab-quvvatlash maqsadida yangi turdagi "Fidokor" kredit mahsulotlarini taqdim etadi.

Oliy va o'rta maxsus ta'lim, Xalq ta'limi, Maktabgacha ta'lim va Sog'liqni saqlash vazirliklari tizimidagi muassasalar xodimlari* uchun qulay va alohida shartlarda avtokredit va mikroqarz ajratiladi.

Kredit shartlari:

"Fidokor" mikroqarzi:
- muddati – 2 yilgacha;
- yillik ustama haqi – 22%.

"Fidokor" avtokrediti:
- muddati – 3 yilgacha;
- yillik ustama haqi – 22%;
- boshlang'ich badali – 30%.

** Ipoteka-bank filiallarida ish haqi loyihasi ishtirokchisi bo'lgan muassasalar.*

1233 ipotekabankofficial ipotekabank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK



***Ассалому алайкум, азиз ўқувчилар!***

*Журналимизнинг 2021 йил 1-сонини ихтиёрингизга ҳавола этишдан мамнунмиз. Мамлакатимиз иқтисодий ва молиявий ҳаётида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил сўнггида қилган Мурожаатномасидаги, жумладан, "...мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади", деган гаплари Ислом динига эътиқод қилувчилар аҳолининг аксариятини ташкил этадиган Ўзбекистон учун айни муддао бўлди ва жуда илиқ кутиб олинди, деб баралла айта оламиз. Бу борада биз нафақат ривожланган давлатлардан, балки яқин қўшнилардан ҳам анча орқада қолиб кетган эдик. Ўйлаймизки, энди тегишли муносабатларни тартибга солиши лозим бўлган, мудраб ётган қонунчилик меъёрлари ишлаб чиқилади ва ниҳоят амалиётга киритилади. Чунки бундай қонунчиликни нафақат мамлакатимизда фаолият юритаётган банклар, балки аҳоли ҳам интизорлик билан кутмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Сардор Умурзаковнинг Ислом тараққиёт банки гуруҳи бошқарувчилари кенгаши раиси этиб сайланиши ҳам ислом молия ва банк иши соҳасида Ўзбекистонга катта аҳамият қаратилаётгани ҳамда юксак ишонч билдирилганидан дарак беради, албатта.*

*Халқаро валюта фонди миссияси вакиллари 25 январдан бошлаб мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий ривожланишини баҳолаш ҳамда фискал ва монетар сиёсати йўналишлари билан танишиш мақсадида қатор вазирлик ва идоралар вакиллари билан онлайн-маслаҳатлашувлар олиб борди. Миссия 2020 йилда оғир пандемия шароитларига қарамасдан банк тизимининг барқарорлиги таъминланганлиги ва кредит ташкилотлари ҳисобот даврини ижобий молиявий натижалар билан якунлаганини эътироф этгани алоҳида эътиборга лойиқ.*



***Воҳид Умиров,***
*«Бозор, пул ва кредит» журнали бош муҳаррири*

*Яна бир янгилик шундан иборатки, хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан курслари эндиликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар ҳафтада ўртанилиши амалиётидан воз кечилди, ҳозирда курслар ҳар куни Республика валюта биржасида ҳар бир валюта турига бўлган талаб ва таклиф асосида, замонавий аукцион усулига таянган ҳолда эркин шакллантирилмоқда. Валюта курсининг сўнгги вақтларда пасайиши тенденцияси бир неча бор кузатилгани эса бунинг ижобий натижаси, деб биламиз.*

*Умуман олганда, пандемия банк тизимида рақамли технологияларнинг амалиётга жорий этилишини тезлаштирди, мобиль иловалар орқали аксарият банк хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш мумкинлиги аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига манзур бўлди. Ўйлаймизки, замонавий ахборот технологияларининг банк тизимига кенг жорий қилиниши жараёни янада жадаллашади.*

*Бу борада Сиз билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз. Фикр-мулоҳазаларингизни, доимгидек,* ***info@bpk.uz*** *электрон почта манзилимиз ёки* ***@bpk.uz.ru*** *Facebook ижтимоий тармоғидаги каналимизга юборишингиз мумкин.*

# МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ





**ИПОТЕКА БОЗОРИ**

4 ***Б. Нурмухаммедов***
*Ўзбекистонда ипотека бозори: жаҳон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари*

**МОНЕТАР СИЁСАТ**

8 ***Ш. Абдуллаева, А. Абдусаломов***
*Трансмиссион механизм каналларида банк кредит каналининг ўрни*






**БАНК ФАОЛИЯТИ**

14 ***Ҳ. Аминов***
*Ўзсаноатқурилишбанк: истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш йўлида*

**МАКРОИҚТИСОДИЁТ**

18 ***Ш. Хайитбоев***
*Ўзбекистон Республикаси тўлов балансм ва ташқи қарзи кўрсаткичларининг макроиқтисодий боғлиқликларига оид эмпирик тадқиқотлар*

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ**

32 ***Т. Бердиев***
*Тижорат банкларида континентал моделга асосланган корпоратив бошқарувнинг тузилиши (Commerzbank AG мисолида)*









**СУҒУРТА БОЗОРИ**

40 ***Ш. Маҳкамова, А. Маманов***
*Ижтимоий суғуртани амалга оширишнинг айрим хорижий давлатлар тажрибаси*

**ТЕХНОЛОГИИ**

48 ***Ф. Иззатуллаев***
*Электромобиль – транспорт будущего в Узбекистане*

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ**

58 ***Б. Дагаров***
*Ўзбекистон ва МДҲ давлатларида аудит: муаммо ва ечимлар*

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР**

68 ***А. Тўраев, А. Козимжонов***
*Қарзлар бўйича харажатлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш*


---


БПК

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

1/2021

Январь (284)

**ТАҲРИРИЯТ**

**Директор:**
Г.Н. БЕЗГИН

**Бош муҳаррир:**
В.С. УМИРОВ

**Масъул котиб:**
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

**Реклама ва маркетинг хизмати:**
Тел.: (+998)71-234-91-13;
(+998)99-837-11-04

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

**Журналнинг обуна индекси: 853**
**ISSN 2010-6580**

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 18.01.2021 й.
Босишга рухсат этилди: 01.03.2021 й.

Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма №4. А.: 870.
«SILVER STAR PRINT» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.



Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт.
Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.


**МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz.**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

***Эслатма:*** муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

# CONTENTS

January №1 (284), 2021


**MORTGAGE MARKET**

4 ***B. Nurmukhammedov***
*Mortgage market in Uzbekistan: world experience and prospects*

The author of the article noted that the demographic indicators of our country are increasing year by year, and therefore, the stability of the state and the people in the economic situation is observed, which provides a positive trend in the housing market. All this work was intensified after the President's decree on the development of the relevant sphere. The author touched upon the German model of housing, prospects and issues of development of the sphere in our country and expressed his views.

**MONETARY POLICY**

8 ***Sh. Abdullaeva, A. Abdusalomov***
*The role of the bank credit channel in transmission mechanism channels*

The development of the monetary policy mechanism channels of the Central Bank plays an important role in the implementation of the inflationary targeting regime. Among the channels of the transmission mechanism, bank credit is one of the main channels, and the analysis of factors influencing its efficiency is a topical issue. Another important channel of monetary policy transmission is the interest rate channel, which is reflected in the Central Bank's policy on changes in interest rates on funds attracted and placed by market participants, thereby affecting consumption, investment and savings, economic activity and inflation.

**BANKING ACTIVITIES**

14 ***Kh. Aminov***
*Uzsanoatqurilishbank: financing of prospective projects*

The reforms carried out in the banking system today are an important factor in ensuring sustainable growth rates in our economy. This article is about the effectiveness of investments made by Uzsanoatqurilishbank for programs to support entrepreneurship and meet the material needs of the population.

**MACROECONOMICS**

18 ***Sh. Khayitboev***
*Empirical studies on macroeconomic correlations of payment balance and external debt indicators of the Republic of Uzbekistan*

The author's article is devoted to the issues of identifying the linkages between the indicators of statistics of the foreign sector of Uzbekistan with the help of empirical research methods, highlighting the macroeconomic nature of the results of the research, as well as developing conclusions and proposals that can be used in making decisions on macroeconomic policy measures.

**CORPORATE GOVERNANCE**

32 ***T. Berdiev***
*The structure of corporate governance based on the continental model in commercial banks (a case study of Commerzbank AG)*

The article is devoted to corporate governance, which is characterized by a system of relationships between shareholders and the company's management and a system of mechanisms by which shareholders can control the work of the company and the activities of its head. There are several types of corporate models. One of the most widespread is the continental model, and the author considers this model in more detail.

**INSURANCE MARKET**

40 ***Sh. Makhkamova, A. Mamanov***
*Experience of some foreign countries in the implementation of social insurance*

This article of the author is devoted to the issues of social insurance and social security, which at the moment are one of the most urgent, and these issues determine the social policy of any state. Social protection of the population by the state is becoming more important, especially in the conditions of today's pandemic.

**TECHNOLOGIES**

48 ***F. Izzatullaev***
*Electric car: transport of the future in Uzbekistann*

Today, electric cars are increasingly found on the streets of cities, and they have appeared in Uzbekistan too. But where do they sell them in Tashkent, at what price, what is an electric car and its main components, what is the situation with the warranty, how to count the cost savings, is the service infrastructure developed? The answers to these and many other questions can be found in this interview with representatives of the salon for the sale of electric vehicles in Tashkent.

**AUDITING ACTIVITIES**

58 ***B. Dagarov***
*Audit in Uzbekistan and CIS countries: problems and solutions*

This article is devoted to the regulatory and methodological issues of organizing audit in Uzbekistan and the CIS, which details the similarities and differences in the organization of audit between Uzbekistan and the CIS, ways to overcome existing regulatory and methodological problems. The article also provides recommendations for the development of audit practice in the Republic of Uzbekistan based on the best practices of the CIS countries.

**FINANCIAL REPORTS**

68 ***A. To'raev, A. Kozimjonov***
*Improving the accounting of expenses on debts on the basis of international standards*

The article presents the existing problems of improving the cost accounting of borrowing costs and proposals for their improvement. The author of the article considers concepts such as borrowing costs, assets, qualified assets, intangible assets, investment property, and commodity stocks. The author touched upon the development of the sphere and expressed his own views.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИПОТЕКА БОЗОРИ: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Мамлакатимиз демографик кўрсаткичларининг йил сайин ошиб бораётгани, шунинг баробарида давлат ва халқнинг иқтисодий ҳолатида барқарорлик кузатилаётгани уй-жой бозорида ижобий тенденцияни таъминламоқда. Ўз навбатида турар жойларга талабнинг ортиши давлат олдига уйсозлик соҳасини кучайтиришни муҳим вазифа сифатида қўймоқда.**

1991 йилда юртимиз аҳолиси 20,6 миллион кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 34 миллион нафардан ошди. Шунга мос равишда янги қурилаётган оилалар сонида ҳам жадал ўсиш суръатини кўриш мумкин. Жумладан, 2000-2006 йилларда йилига 155 мингдан 208 мингтагача оила қурилган бўлса, 2007-2019 йилларда бу рақам 254 мингдан 311 мингтага етган.



Аҳолини уй-жой билан таъминлашдек энг устувор мақсад йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ҳам кўлами кенгдир. Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши мазкур жабҳада дадил қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат ижрога киритилгунга қадар тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс маблағлари деярли мавжуд бўлмаганлиги сабабли банклар томонидан уй-жойлар қурилишини кенг кўламда молиялаштириш ва аҳолига ипотека кредитларини ажратиш бўйича имкониятлар чекланган эди. Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига имтиёзли шартларда узоқ муддатли ресурс маблағлари ажратилди ва 2017-2019 йиллар давомида республика бўйлаб шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар қурилиши амалга оширилиб, 100 мингдан ортиқ оила имтиёзли ипотека кредитлари асосида Ватан ичра кичик ватан – ўз бошпаналарига эга бўлди.

Уч йилга мўлжалланган Давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан 15 трлн. сўм атрофидаги имтиёзли ипотека кредитлари аҳолига 20 йил муддатга дастлабки 5 йил давомида 7 фоиз ставкасида, қолган йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида берилди.

Тижорат банкларининг ипотека кредити портфели 2016 йилда 7-8 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб ипотека кредитларининг қолдиғи 25,1 трлн. сўмни ташкил этади. Ипотека кредитларининг аксарият қисми (70 фоизи) Давлат дастурига мувофиқ ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимизда Ипотека бозорини фақатгина давлат дастурлари доирасида паст фоизли ресурс маблағлари ҳисобига ривожлантириб бўлмайди. Бозор тамойиллари асосидаги янги кредитлаш тизимларининг жорий этилиши Ипотека бозори ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Ипотека бозоридаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони уй-жой таъминотидаги баъзи бўшлиқларга оқилона ечим сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Гап шундаки, бунга қадар асосан эҳтиёжманд қатлам вакилларини имтиёзли равишда уй-жой билан таъминлашга урғу берилган бўлса, юқоридаги Фармонга кўра эндиликда аҳолининг барча қатламларига тижорат шартларида ипотека кредитлари ажратилиши белгилаб қўйилди. Бунда кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга дастлабки бадалнинг бир қисми ва (ёки) кредит фоизларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия-

**УЧ ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН 15 ТРЛН. СЎМ АТРОФИДАГИ ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АҲОЛИГА 20 ЙИЛ МУДДАТГА ДАСТЛАБКИ 5 ЙИЛ ДАВОМИДА 7 ФОИЗ СТАВКАСИДА, ҚОЛГАН ЙИЛЛАРДА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИДА БЕРИЛДИ.**





**Бобур Нурмухаммедов,**
«Ипотека-банк» АТИБ Ипотека кредитлари департаменти директори ўринбосари



**КЎПГИНА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ КРЕДИТЛАШ СОҲАСИДА НЕМИС МОДЕЛИ – «БАУШПАРКАССА»ДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР. УШБУ МОДЕЛЬ ҚЎШНИ ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТИДА ҲАМ 2005 ЙИЛДАН БУЁН ФАОЛ ҚЎЛЛАНИБ КЕЛАДИ ВА БУГУНГИ КУНДА АҲОЛИГА АЖРАТИЛАЁТГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ КАМИДА 60 ФОИЗИ У ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

лар ҳам берилиши кўрсатиб ўтилди. Фармон асосидаги Дастур доирасида Молия вазирлиги тижорат банкларини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаб боради.

Аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичларидан келиб чиқсак, ипотека бозорида замонавий методларни амалиётга йўналтириш мақсадга мувофиқ, албатта. Яъни ўзини ўзи молиялаштирувчи ёки маблағларнинг айланиш тезлиги юқори бўлган янги кредитлаш тизимларини жорий этиш зарур.

Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳам фойдадан холи эмас. Масалан, кўпгина Европа давлатлари мазкур соҳада немис модели – «Баушпаркасса»дан фойдаланадилар. Ушбу модель қўшни Қозоғистон давлатида ҳам 2005 йилдан буён фаол қўлланиб келади ва бугунги кунда аҳолига ажратилаётган ипотека кредитларининг камида 60 фоизи у орқали амалга оширилади.

## НЕМИС МОДЕЛИНИНГ МОҲИЯТИ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Бу модель ишлаши учун иқтисодиёт барқарор ва инфляция минимал даражада бўлиши лозим. Немис моделида аҳоли уй-жой олиш учун олдиндан режалаштирган тарзда тегишли уй-жойнинг 50 фоизи миқдорига тенг суммани 3-5 йил давомида ойма-ой банкда жамлаб боради ва бадал маблағларини жамлаб бўлгач, фуқаро қолган 50 фоиз қисмига ипотека кредитини олади. Бунда фуқаронинг банкдаги омонатига инфляция даражасидан паст бўлмаган ставкада омонат қолдиғига фоиз ҳисобланиб борилади. Шу билан бирга маълум бир фоиз банк томонидан, қолган қисми давлат бюджетидан қопланади.

## МОДЕЛНИНГ САМАРАЛИ ТОМОНЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Ушбу модель туфайли давлатнинг ҳар йили ипотека мақсадлари учун йирик миқдордаги маблағларни йўналтириши кескин қисқаради. Бунга мос равишда хорижий молия институтларидан олинадиган кредит линиялари бўйича келгусидаги валюта курси бўйича хатарлар ва бу билан боғлиқ харажатлар ҳам камаяди. Аҳолининг маблағларини банкка жалб этиш орқали ипотека бозорини молиялаштириш бўйича самарали тизим жорий этилади. Қолаверса, давлат томонидан ипотека бозорини ривожлантириш бўйича қилинадиган бюджет сарф-харажатлари ҳар бир йилнинг ўзида акс эттирилади. Бунинг учун уй-жой қурилиши бўйича 5 йиллик дастур аниқ белгилаб олинади ҳамда ҳар йили уй-жойлар қайси жойда қанча миқдорда қурилиши аниқ кўрсатилиб, уй-жой баҳоси назорат қилиб борилади.

Сир эмас, жамиятда ҳамманинг ҳам уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадални жамлаш ва кредит тўловларини тўлаш имконияти мавжуд эмас. Ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз оналар бунга мисолдир. Ушбу синфга мансуб инсонларга мадад бўлиш, уларни бошпана билан

таъминлаш учун, назаримизда, илғор хорижий тажрибалар асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уй-жойлар қуриб, уларни ижтимоий ижарага бериш тизимини жорий этиш ҳаётий заруратдир.

Ижтимоий ижарага бериладиган уй-жойларнинг барпо этилиши жамиятда аҳолининг ипотека бозорига нисбатан ёндашуви ва қарашларининг реал ҳолатини кўрсатиб беради. Яъни ижтимоий ҳолати оғир кишилар учун ижтимоий ижара уйларининг ойлик тўлови, дейлик, 300-500 минг сўм атрофида бўлади. Муқим ва салмоқли даромадга эга кишилар эса йиллар давомида бадал маблағларини жамлаши ва ипотека кредитлари орқали уй-жойга эга бўлишлари мумкин.

Самарадорлиги амалий тасдиғини топган шу каби моделлардан фойдаланиб, ипотека кредитларини ажратишда, энг аввало, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи ислоҳотларни юритиш пировардида давлат ва жамиятнинг иқтисодий фаровонлигини юксалтиради. Мақбул нархда тақдим қилинган, замонавий уй-жойга эга оилаларда эса розилик ҳисси, эртанги кунга умид ҳамда ишонч бўлади, чинакам бахтиёрлик ҳукм суради.

# БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Маълумки, ипотека кредитлари оммабоплигини янада ошириш ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли Фармони қабул қилинган.**

Мазкур фармон асосида ипотека кредитларини ажратишда янги тартиб жорий этилиб, унга мувофиқ ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига боғлиқ тарзда ўзгарувчанлиги белгиланган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилган тақдирда, тижорат банкларининг янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаси ҳам мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

Шу муносабат билан, ипотека кредити олувчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли Фармонига, шунингдек, Марказий банкнинг «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги Низомнинг (АВ рўйхат рақами: 3030, 2018 йил 2 июль) 36(11)- ва 37(2)-бандларига асосан:

- янги тартиб доирасида ипотека кредити олиш учун тижорат банки билан тузилган ёки тузилаётган ипотека кредити шартномаси шартларида кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури ўзгарувчанлиги ҳамда фоиз ставкаси ўзгарганда банк кредитнинг қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб бериши лозимлиги кўрсатилганлигига;
- Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарганда белгиланган фоиз ставкаларининг ўзгариши томонлар учун тушунарли тарзда баён этилганлигига ва тузиладиган ипотека кредити шартномасида фоиз ставкасининг ўзгариш тартиби қайд этилганлигига эътибор беришингизни сўраймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги тартиб доирасида тузилган ипотека кредити шартномасида кредит фоизи ставкасининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ шартлар мавжуд бўлмаса, шунингдек, кредит шартномасида кредит фоизи ставкасининг ўзгарувчанлиги назарда тутилган бўлиб, ушбу шартга банк томонидан амал қилинмаса, бевосита кредит ажратган тижорат банкига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигингизни маълум қиламиз.

*Масалан, тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида янги тартиб доирасида тузилган ипотека кредити шартномасида кредитнинг фоиз ставкаси йиллик **18 ФОИЗ** қилиб белгиланган ва ўша куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси йиллик **14 ФОИЗ** миқдорида бўлган.*

*Маълум муддат ўтгандан сўнг, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси **1 ФОИЗ** бандга пасайса, яъни **13 ФОИЗ** этиб белгиланса, унда ушбу санадан бошлаб қарз олувчи учун ипотека кредитининг фоиз ставкаси ҳам **1 ФОИЗ** бандга пасайтирилиб, йиллик **17 ФОИЗДАН** ҳисобланиб борилади ва банк кредитнинг қайтариш жадвалини қарздорларга янгидан қайта расмийлаштириб беради.*

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.***



МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ТРАНСМИССИОН МЕХАНИЗМИ КАНАЛЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШДАН ОЛДИН МАЗКУР МАВЗУ ДОИРАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, БАНК ҚАРЗ КАНАЛИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ МУМКИН.

# ТРАНСМИССИОН МЕХАНИЗМ КАНАЛЛАРИДА БАНК КРЕДИТ КАНАЛИНИНГ ЎРНИ

**Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми каналлари фаолиятининг ривожланганлиги инфляцион таргетлаш режимини қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Трансмиссион механизм каналлари ичида банк кредити асосий каналлардан бири бўлиб, унинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.**

Пул-кредит сиёсати трансмиссиясининг яна бир муҳим канали фоиз канали бўлиб у Марказий банк сиёсатининг бозор субъектлари томонидан жалб қилинадиган ва жойлаштириладиган маблағларга бўлган фоиз ставкаларининг ўзгариши ҳамда бу орқали истеъмол, инвестициялаш ва жамғариш, иқтисодий фаоллик ва инфляция даражасига таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Фикримизча, мамлакатда амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми каналларининг амалий жиҳатларига эътибор қаратишдан олдин мазкур мавзу доирасидаги илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, банк қарз канали фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу канал фаолиятига банклар активлари таркибида кредитларнинг улуши, ликвидлик ва капитал етарлилик даражалари ҳамда хорижий банкларнинг банк тизимидаги салмоғи каби кўрсаткичларнинг таъсир этиши ҳолатларини ўрганиш муҳим натижалар беради. Ушбу мақоламизда банк кредит канали мамлакатимизда қанчалик даражада самарали эканлигига эмас, балки ушбу канал фаолияти учун етарли даражада шароит яратилганлигини таҳлил қилишни олдимизга мақсад қилганмиз.

Кредитнинг муҳим элементи ва унинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқли жиҳати унинг фоиз ставкасига эга эканлигидир. Кредит фоиз ставкаси канали алоҳида ҳудуд, муҳит, шароитда турлича намоён бў-



**Шарбат Абдуллаева,**
и.ф.д., Тошкент молия институти профессори



**Акром Абдусаломов,**
PhD, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети



лиши ёки таъсирга эга бўлиши мумкин. Фоиз ставкасиси канали самарали бўлиши учун молия бозори юқори даражада ривожланган ва рақобатга эга бўлиши керак[1]. Шунингдек, молия бозори шундай самарали ишлаши кераккй, бунда монетар сиёсатдаги фоиз ставкаси ўзгариши реал иқтисодиёт ва ялпи ички маҳсулотга таъсир этиши сезиларли бўлиши лозим. Аммо баъзи ҳолларда ва баъзи давлатларда молия бозорининг суст тараққий этиши фоиз ставкаси ўзгаришининг реал иқтисодиётга таъсирини ҳам сезиларсиз ҳолга келтириши эҳтимоли мавжуд. Бундай жараёнларни Ўзбекистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин[2]. Бу ўз навбатида кредит миқдори ҳамда кредит баҳоси монетар сиёсатнинг муҳим каналларидан бири, деган фикрни шакллантиришга ундайди.

**Тижорат банклари активларида унинг кредитлари улуши – кредит канали соҳасида муҳим кўрсаткич.** Альфред Гипсоннинг назарий моделига кўра, тижорат банки активларида кредитлар ҳажми канчалик юқори бўлса, уларнинг монетар сиёсатдаги «қисқаришга таъсирчанлиги» шунча сезиларли бўлади ва, аксинча, банк активларида кредитларнинг салмоғи кам бўлиши банкларнинг қўшимча пул маблағлари оқимига муҳтожлиги юқори эканлигини кўрсатиши мумкин. А. Гибсон кредит ставкасини инфляция суръатлари билан эмас, балки баҳолар даражаси билан боғлиқликда, яъни товарлар таклифи ва истеъмол талаби нисбатида кўради. Бозорда товарлар баҳосининг юқорилиги пулнинг сотиб олиш қиймати пастлигини кўрсатади. Натижада аҳолининг кўп пул сарфлашга мажбур бўлиши унинг жамғармалари камайишига ва бу ўз навбатида ставкаларнинг ошишига олиб келади. Товарлар таклифи ошиши натижасида баҳоларнинг тушиши пулнинг реал сотиб олиш қобилияти ва ўз навбатида аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига, даромадлари бир қисмининг жамғармага йўналтирилишига имкон яратади. Даромад бир қисмининг жамғарилиши кредит ставкаларининг тушишига, унинг доимийлигини таъминлашга олиб келади. Натижада ишлаб чиқарувчи субъ-

*1-диаграмма*

**Банк активларида кредитларнинг салмоғи**




***Манба:** муаллифлар томонидан тайёрланган.*

2012–2017 ЙИЛЛАРДА БАНКЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ БАНК КРЕДИТЛАРИГА ЭҲТИЁЖИ ПАСТ БЎЛГАН БЎЛСА, 2017–2019 ЙИЛЛАРДА КРЕДИТГА БЎЛГАН ТАЛАБНИНГ ОШИШИ БАНКЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ БАНК КРЕДИТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИ ОШИШИГА ВА УЛАР КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ҲАЖМИНИНГ ОШИШИГА ОЛИБ КЕЛГАН.

[1] *Abdullaeva Sh.Z. The practice of using models to assess the financial condition of customers in lending. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt/Egyptology 17(6). ISSN 1567-214x PJAEE, 17 (6) (2020).*

[2] *Absalamov A.T. Interest rate channel of monetary policy transmission mechanism in Uzbekistan - VECM Approach// (IJMT) ISSN: 2249-2496, International Journal of Research in Social Sciences, Volume 10, Issue 1 (January 2020). – P. 165-173.*

ектларнинг инвестициялар жалб қилиш имконияти кенгаяди.

Маълумки, тижорат банклари активлари муддати бўйича қисқа муддатли ва узоқ муддатли активларга таснифланади ҳамда муддатидан қатъи назар активларни оптимал бошқариш банк фаолияти учун жуда муҳим ҳисобланади. Бу жараёнларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши мумкин. Агар банклар учун Марказий банкдан қайта молиялаш кредитларини олиш осон бўлса, унда улар активларини осон бошқара оладилар. Агар Марказий банк қайта молиялаш ставкаси фоизини ошириш орқали қайта молиялаш кредитларини беришни қийинлаштирса, унда тижорат банкларида активларни оптимал бошқариш муаммоси пайдо бўлади.

1-диаграммадаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси банк тизими активлари таркибида кредитларнинг улуши 2012-2017 йиллар оралиғида қисман, яъни 58,3 фоиздан 66,9 фоизга ошганини, аммо реал секторга ажратилган кредитларнинг улуши ўзгаришсиз қолиб, 30 фоиз атрофида бўлганини кўриш мумкин. 2017 йилдан бошлаб эса банк тизими активларида кредитларнинг улуши анча ошганлиги натижасида реал секторга ажратилган кредитларнинг салмоғи ҳам сезиларли ошган. Масалан, 2019 йилда активлар таркибида жами кредитлар 76,5 фоизни ҳамда реал секторга ажратилган кредитлар 56,4 фоизни ташкил этмоқда. Маълумки, 2012-2017 йилларда банкларнинг Марказий банк кредитларига эҳтиёжи паст бўлган бўлса, 2017-2019 йилларда кредитга бўлган талабнинг ошиши банкларнинг Марказий банк кредитларига бўлган эҳтиёжи ошишига ва улар кредит портфели ҳажмининг ошишига олиб келган. Демак, охирги йилларда бу омил таъсирида трансмиссион механизм қарз каналининг самарадорлигини оширишга замин яратилмоқда.

**Банкларнинг ликвидлиги ва капиталлашув даражаси.** Тижорат банкларининг ликвидлик ҳамда капитал етарлилик даражаси кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлса, улар фаолиятининг Марказий банк кредитларига боғлиқлиги шунча паст бўлади. Бу омил банкларнинг Марказий банк пул-кредит сиёсатидан мустақил бўлишига олиб келади.

Банк тизимининг капиталлашув даражасини банкларда капиталнинг минимал миқдори ва капитал етарлилик коэффициентлари бўйича меъёрларнинг бажарилишида кўришимиз мумкин. Банкларимиз амалиётида капитал етарлилик даражаси капитал етарлилигининг энг кам миқдорига қўйилган меъёрларга нисбатан қарийб икки марта юқори эканлигини кўриш мумкин. Аммо масаланинг иккинчи томони шундаки, Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомида банкларнинг девальвацион захиралари биринчи даражали асосий капитал таркибига киритилганлиги, Базель III тавсиясига кўра эса бу миқдор иккинчи даражали капитал таркибида ҳисобга олинишини инобатга олсак, республика банк

**ТАҲЛИЛЛАР НАТИЖАСИДА 2012-2017 ЙИЛЛАРДА БАНКЛАРДА ОРТИҚЧА ЛИКВИДЛИК МАВЖУД БЎЛГАНИНИ ВА 2017-2019 ЙИЛЛАРДА ЭСА БАНКЛАРНИНГ ОРТИҚЧА ЗАХИРАСИ КАМАЙГАНЛИГИНИ КЎРИШ МУМКИН.**

*2-диаграмма*

**Тижорат банкларининг умумий капитали ҳамда капитал етарлилик даражаси**




***Манба:*** *муаллифлар томонидан тайёрланган.*

*3-диаграмма*

**Ўзбекистон банк тизимининг ликвидлик даражаси**




***Манба:*** *муаллифлар томонидан тайёрланган.*

**АГАР 2012-2016 ЙИЛЛАРДА БАНКЛАР КАПИТАЛИ СЕЗИЛАРСИЗ ЎСГАН БЎЛСА, 2017-2019 ЙИЛЛАРДА КАПИТАЛНИНГ ЎСИШ САЛМОҒИ АНЧА ЮҚОРИ БЎЛГАН. БУНГА 2017 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН КЕСКИН ДЕВАЛЬВАЦИЯ БИЛАН БИР ҚАТОРДА БАЪЗИ СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР ТАЪСИР ҚИЛГАНИ АНИҚ.**

тизимида капитал етарлилиги даражаси тавсия қилинган кўрсаткичларга нисбатан пастроқ бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, банк қарз канали фаолиятига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилганда банк капитали етарлилиги даражасининг нафақат барқарорлигига, балки яна бир муҳим омил – банклар капиталлашувининг сифат таркиби ва капитал миқдори таҳлилига ҳам эътибор қаратиш лозим. Банклар капитали ўсиш суръатларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, агар 2012-2016 йилларда банклар капитали сезиларсиз ўсган бўлса, 2017-2019 йилларда капиталнинг ўсиш салмоғи анча юқори бўлган. Бунга 2017 йилда ўтказилган кескин девальвация билан бир қаторда баъзи субъектив омиллар таъсир қилгани аниқ.

Банк ликвидлик даражаси ҳам банк қарз канали самарадорлигига таъсир қилиши инобатга олинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ортиқча ликвидлик даражаси катта миқдорда эмаслиги кузатилади.

Таҳлилимизда банк ликвидлигини икки қисмга, яъни зарур бўлган ликвидлик ҳамда ортиқча ликвидликка ажратганмиз. Зарур бўлган ликвидликка банкларнинг кассасидаги, мажбурий захирадаги ва Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағлар киритилган. Ортиқча ликвидлик сифатида банкларнинг Марказий банк облигацияларига ва депозит аукционларига жойлаштирган маблағлари келтирилган. Агар Марказий банк қайта молиялаш ставкасини оширадиган бўлса, бу банк пассивларини қисқартиради ва банкларнинг кредит портфелидаги муаммони ҳал этиш учун қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни камайтиришга олиб келади. Шундай экан, банкларнинг ортиқча ликвидлиги банк қарз канали самарадорлигига таъсир кўрсатади. Таҳлиллар натижасида 2012-2017 йилларда банкларда ортиқча ликвидлик мавжуд бўлганини ва 2017-2019 йилларда эса банкларнинг ортиқча захираси камайганлигини кўриш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, охирги йилларда банк капиталлашув даражаси ошиши банк қарз каналининг банклар фаолиятига таъсирини сезиларли камайтириши билан бирга банклар ортиқча ликвидлигининг камлиги уларнинг Марказий банк пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришларга таъсирчанлиги ошишига олиб келмоқда.

**ОХИРГИ ЙИЛЛАРДА БАНК КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИ ОШИШИ БАНК ҚАРЗ КАНАЛИНИНГ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ СЕЗИЛАРЛИ КАМАЙТИРИШИ БИЛАН БИРГА БАНКЛАР ОРТИҚЧА ЛИКВИДЛИГИНИНГ КАМЛИГИ УЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЪСИРЧАНЛИГИ ОШИШИГА ОЛИБ КЕЛМОҚДА.**



**Миллий банк тизимида хорижий банкларнинг ўрни ва ҳолати.** Миллий банк тизимига хорижий банкларнинг кириб келиши уларнинг қарз каналига таъсирини сусайтиради. Агар Марказий банк фоиз ставкасини ошириш орқали қайта молиялаш кредитларини олишни қийинлаштирса, хорижий банкларнинг чет элдан молиявий ресурсларни жалб қилиш эҳтимоли юқори бўлади. Бу уларни монетар сиёсат қарорларига чидамли қилиши мумкин.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, республикамиз банк тизимида хорижий банкларнинг салмоғи ва ўрни айтарли даражада эмас. Жумладан, 2016 йилда хорижий банклар активларининг умумий банк тизими активларидаги улуши нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган. 2012-2019 йилларда эса банк тизими активлари таркибида хорижий банкларнинг салмоғи 5-10 фоиз атрофида бўлган. Хорижий банклар капиталининг умумий банк капиталидаги салмоғи ҳам 5-10 фоиз атрофида бўлган. Хорижий банклар томонидан ажратилган кредитларнинг жами кредитларидаги салмоғи ҳам жуда паст даражада қолмоқда. Хусусан, 2012-2019 йилларда хорижий банклар кредитларининг умумий кредитлардаги салмоғи 5-10 фоиз атрофида бўлган бўлса, улар томонидан реал секторга ажратилган кредитлар 3-5 фоизни ташкил қилмоқда ва молиявий ресурсларнинг қайта тақсимотида хорижий банклар иштироки сезиларсиз эканлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида хорижий банкларнинг миллий банк тизимидаги ҳиссаси банк қарз канали самарадорлигини тушириб юборадиган даражада эмаслигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

① Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми – бу монетар сиёсат инструментларидаги ўзгаришлар натижасида ялпи талабга таъсир этган ҳолда ялпи ишлаб чиқариш, инфляция, ишсизлик ҳамда тўлов балансида ўзгаришларга олиб келувчи иқтисодий жараёндир. Бу боғлиқлик пул-кредит сиёсати механизми каналлари орқали амалга оширилади. Ушбу каналлар ичида банк қарз канали асосий каналлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Б.Бернанке қарашларига кўра, банк қарз каналига монерат сиёсатнинг анъанавий трансмиссион каналларига муқобил бўлган мустақил бир канал сифатида қараш керак эмас, чунки бу фоиз ставкаси каналининг таъсирини кучайтирадиган омилларни ўз ичига қамраб олган «сифатни оширувчи механизм (enhancement mechanism)»дир.

② Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва қайта молиялаш кредитларини бериш шартларининг ўзгариши банкларда активларни оптимал бошқаришга тўғри пропорционал. Марказий банк қайта молиялаш ставкаси фоизини ошириш ор-

**2012–2019 ЙИЛЛАРДА ХОРИЖИЙ БАНКЛАР КРЕДИТЛАРИНИНГ УМУМИЙ КРЕДИТЛАРДАГИ САЛМОҒИ 5–10 ФОИЗ АТРОФИДА БЎЛГАН БЎЛСА, УЛАР ТОМОНИДАН РЕАЛ СЕКТОРГА АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР 3–5 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА ВА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ҚАЙТА ТАҚСИМОТИДА ХОРИЖИЙ БАНКЛАР ИШТИРОКИ СЕЗИЛАРСИЗ ЭКАНЛИГИНИ БИЛДИРАДИ.**

*4-диаграмма*

**Ўзбекистон банк тизимида хорижий банкларнинг ўрни**




***Манба:** муаллифлар томонидан тайёрланган.*

*5-диаграмма*

**Хорижий банклар кредитларининг умумий кредитлардаги салмоғи**




***Манба:** муаллифлар томонидан тайёрланган.*




қали қайта молиялаш кредитларини беришни қийинлаштириши тижорат банкларида активларни оптимал бошқариш муаммоси пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

③ Банк активларида кредитлар салмоғининг ошиши банкларни Марказий банк пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришларга таъсирчан қилиб қўйган бўлса, банк капитализация даражасининг юқорилиги бу таъсирни сусайтириши мумкин.

④ Банкларнинг ортиқча ликвидлиги пастлиги ҳамда хорижий банкларнинг миллий банк тизимидаги салмоғи пастлиги банк қарз канали самарали фаолият олиб бориши учун қулай шароит яратади. Кредитга бўлган талаб ошиши банкларнинг Марказий банк кредитларига бўлган эҳтиёжи ва бу уларнинг кредит портфели ҳажми ошишига олиб келган. Демак, охирги йилларда бу омил таъсирида трансмиссион механизм қарз каналининг самарадорлигини оширишга замин яратмоқда.

⑤ Тижорат банкларининг ликвидлик ҳамда капитал етарлилик даражаси кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлса, улар фаолиятининг Марказий банк кредитларига боғлиқлиги шунча паст бўлади. Бу омил банкларнинг Марказий банк пул-кредит сиёсатидан мустақил бўлишига олиб келади.

⑥ Миллий банк тизимига хорижий банкларнинг кириб келиши банкларнинг қарз каналига таъсирини сусайтиради. Марказий банк фоиз ставкасини ошириш орқали қайта молиялаш кредитларини олишни қийинлаштирса, хорижий банкларнинг чет элдан молиявий ресурсларни жалб қилиш эҳтимоли юқори бўлади. Бу уларни монетар сиёсат қарорларига чидамли қилиши мумкин.

⑦ Банк қарз канали самарали фаолият юритиши учун Марказий банк тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини етарли даражада ажратиши лозим. Инфляция ва банкдан ташқари пул айланишини чеклаш мақсадида Марказий банк тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини кам ажратган, аммо кейинги даврларда Марказий банк томонидан банкларга кўпроқ қайта молиялаш кредитлари ажратишга эътибор қаратилишига қарамасдан бу кредитлар ҳажми банклар пассивида кам салмоққа эгалиги банк кредит канали фаолияти нисбатан чекланганлигини кўрсатади ва бу механизмни такомиллаштириш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

**БАНК АКТИВЛАРИДА КРЕДИТЛАР САЛМОҒИНИНГ ОШИШИ БАНКЛАРНИ МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ТАЪСИРЧАН ҚИЛИБ ҚЎЙГАН БЎЛСА, БАНК КАПИТАЛИЗАЦИЯ ДАРАЖАСИНИНГ ЮҚОРИЛИГИ БУ ТАЪСИРНИ СУСАЙТИРИШИ МУМКИН.**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИК ҲАМДА КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИК ДАРАЖАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҚАНЧАЛИК ЮҚОРИ БЎЛСА, УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МАРКАЗИЙ БАНК КРЕДИТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ ШУНЧА ПАСТ БЎЛАДИ. БУ ОМИЛ БАНКЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИДАН МУСТАҚИЛ БЎЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.**

# ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Бугун банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзсаноатқурилишбанк томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш борасидаги дастурлар учун йўналтирилаётган сармоялар ўз самарасини кўрсатаётгани диққатга сазовор.**

**Мухбиримиз «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Андижон минтақавий филиали бошлиғи Алишер Азимжонович Салиев билан банк филиали томонидан ўтган 2020 йилда амалга оширилган инвестицион лойиҳалар ва жорий 2021 йилдаги режалар хусусида суҳбатлашди.**

**– Алишер Азимжонович, 2020 йилда банк филиали томонидан инвестицион фаолликни юксалтириш йўлида қандай ишлар амалга оширилди?**

– 2021 йил 1 январь ҳолатига «Ўзсаноатқурилишбанк» Андижон минтақавий филиали бўйича жами 124 736 мижоз мавжуд бўлиб:

- жисмоний шахслар – 118 341та;
- юридик шахслар – 2 035та;
- якка тартибдаги тадбиркорлар – 635та.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори





## Алишер Салиев,

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Андижон минтақавий филиали бошлиғи**

ижроси доирасида банк филиали томонидан юридик ва жисмоний шахсларга қўшимча шарт-шароитлар ва қулайликлар яратилиши бўйича замонавий масофавий банк хизматлари тақдим этилмоқда (яъни банк мижозлари вақтини тежаш ва қулайликлар яратиш мақсадида мижоз учун банк муассасасига келмасдан масофавий хизмат кўрсатиш кўлами кенгайтирилмоқда).

Хусусан, 2021 йил 1 январь ҳолатига 299та мижозга «Bank-mijoz» дастури бўйича, 360та мижозга «SMS banking» дастури бўйича, 755та мижозга «Мобиль банкинг» дастури бўйича масофавий банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган ва йил якунига қадар 100% мижозларни қамраб олиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Андижон, Бунёдкор ва Хонобод филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Андижон вилояти ҳудудларида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 4та банк хизматлари маркази ҳамда мижозлардан чакана тўловларни қабул қилиш учун 4та махсус касса ташкил этилди. Ушбу жойларда 20та банкомат 24/7 режимида туну кун мижозларга нақд пул бериш ҳамда пластик карта билан боғлиқ бошқа банк жараёнларини амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда. Чакана хизматлар бўйича 2020 йил давомида 101 мингдан ортиқ мижозларга хизматлар кўрсатилди.

Хусусан, мижозларга халқаро пул ўтказмалари бўйича, омонат операциялари, коммунал ва бир марталик тўловлар, валюта айирбошлаш ҳамда 36 350та мижозга 3 хил турдаги «Humo», «Uzcard», халқаро «Visa» пластик карталари эмиссия қилиниб, ушбу мижозларга банк чакана хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, пандемия даврида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида янги турдаги масофавий банк хизматлари жорий қилинди. Жумладан, «Joyda» мобиль иловаси орқали пластик картадаги маблағларни барча тўловларга йўналтириш, онлайн пластик картага буюртма бериш, фуқароларнинг пластик картадаги маблағларини чет эл валютасига айирбошлаш, ушбу маблағларни омонат хисобварағига жойлаштириш ҳамда микроқарз кредит маблағларини пластик картасига кирим қилиш имкониятлари яратилди. Ҳозирда ушбу дастурдан қисқа муддат ичида 5 600дан ортиқ мижозлар фаол фойдаланиб келмоқда.

Шунингдек, банк томонидан янги турдаги «Соғлигим – бойлигим» номли муддатли омонат жорий қилинди. Ушбу омонат турининг бошқа омонатлардан фарқи шундаки, мижоз омонатига маблағ жойлаштирганидан сўнг «COVID-19» касаллиги ёки бахтсиз ҳодисалар банк томонидан суғурта қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори бир миллион сўм бўлиб, йиллик 17 фоиз тўлаш шарти билан 6 ой муддатга, «Joyda» мобиль иловаси орқали қабул қилинади.

2020 йил 1 декабрь ҳолатига жами фаол мижозлар сони 2371тани ташкил этиб, 2021 йил 1 декабрь ҳолатига 2 491тага етди. Йил бошидагига нисбатан ўсиш 120тага ёки 105 фоизни ташкил этди.

Масофадан хизмат кўрсатилувчи юридик шахслар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига 870та, фаол мижозлардаги улуши 60 фоизни ташкил этган.

2021 йил 1 январь ҳолатига «СҚБ мобиль»га уланган мижозлар сони 9 364та, «JOYDA» дастурига уланганлар сони 5 555тани ташкил этади.

> **“ Филиал томонидан тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, хорижий кредит линияларини жалб этиш, инновацион банк хизматларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши баробарида мазкур ҳудудларнинг янада тараққий этишига замин яратмоқда.**

**– Филиалнинг жами активлари, юқори ликвидли активлар, уларнинг улушлари ва динамикаси нималардан иборат?**

– **Филиалниинг жами активлари** 2020 йил 1 январь ҳолатига 834,4 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 1 204, 1 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 370,0 млрд. сўмга ёки 144 фоизга ортган.

**Даромад келтирувчи активлар** 2020 йил 1 январь ҳолатига 680,1 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 1 119,5 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 440,0 млрд. сўмга ёки 164 фоизга ортган.

**Даромад келтирмайдиган активлар миқдори** 2020 йил 1 январь ҳолатига 154,2 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 84,2 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 70,0 млрд. сўмга камайган.

**Юқори ликвидли активлар миқдори** 2020 йил 1 январь ҳолатига 141,4 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 52,8 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 88,6 млрд. сўмга ёки 63 фоизга камайган.

**Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши** 2020 йил бошида 17 фоизни, 2021 йил 1 январь ҳолатига 4 фоизни ташкил этган. Йил бошидагига нисбатан ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 13 фоизга камайган.

> “2017–2020 йиллар давлат дастурлари ҳамда Президент ташрифлари давомида Андижон минтақавий филиали томонидан жами лойиҳа қиймати 3 138,6 млрд. сўмлик 81та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларга банк томонидан жами 502,1 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди.

**– Кредит портфели, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар, миллий ва хорижий валютадаги кредитлар, имтиёзли ставкада ажратилган кредитлар (миллий ва хорижий валютада), уларнинг улушлари, ажратилган ва сўндирилган кредитлар динамикаси тўғрисида гапириб берсангиз?**

– **Кредит портфели** 2020 йил 1 январь ҳолатига 680,1 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 1 119,5 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 440,0 млрд. сўмга ёки 164 фоизга ортган.

**Қисқа муддатли кредитлар қолдиғи** 2020 йил 1 январь ҳолатига 110,6 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 256,7 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 146,0 млрд. сўмга ёки 231 фоизга ортган.

Кредит портфелидаги улуши йил бошида 16 фоиз, 2021 йил 1 январь ҳолатига 23 фоизни ташкил этди.

**Узоқ муддатли кредитлар қолдиғи** 2020 йил 1 январь ҳолатига 570,0 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 863,2 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 294,0 млрд. сўмга ёки 151 фоизга ортган.

Кредит портфелидаги улуши йил бошида 84 фоиз, 2021 йил 1 январь ҳолатига 77 фоизни ташкил этди.

**Муддати ўтган кредитлар қолдиғи** 2020 йил 1 январь ҳолатига 5,9 млрд. сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 7,3 млрд. сўмни ташкил этди, яъни йил бошидагига нисбатан 1,4 млрд. сўмга ёки 123 фоизга ортган.

Кредит портфелидаги улуши йил бошида 0,8 фоиз, 2021 йил 1 январь ҳолатига 0,6 фоизни ташкил этди.

**Мавжуд асосий кредит линиялари қуйидагилар:** Ком-



мерцбанк (Германия), Райффайзенбанк (Австрия), КФВ Ипекс банк (Германия), Кредит Свисс (Швейцария), Ландесбанк Берлин («Berliner Sparkasse»), Германия, Туркия «ЭКСИМБАНК»и, Газпромбанк (Россия), ODDO BHF (Германия), «АКА банк» (Германия), Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (МИТФК), ИБР, Хитой давлат тараққиёт банки, «Сбербанк» Европа (Австрия), ОТБ (мева-сабзавотчилик, 1-транш), МАР (Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш), МБРР (Энергия самарадорлиги) ва бошқалар.



**Ҳисобот даврида ўзлаштирилган кредит линиялари** 2020 йил 1 январь ҳолатига 9,5 млрд. сўмни, 2021 йил 1 январь ҳолатига 24,4 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 14,8 млрд. сўмга ёки 256 фоизга ортган.

2017–2020 йиллар давлат дастурлари ҳамда Президент ташрифлари давомида берилган топшириқлар асосида Андижон минтақавий филиали томонидан жами лойиҳа қиймати 3 138,6 млрд. сўмлик 81та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларга банк томонидан жами 502,1 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди.

Хусусан, 2020 йилги ташрифда амалга оширилиши белгиланган, лойиҳа қиймати 608,0 млрд. сўмлик 43та лойиҳага 350,7 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунга қадар 41та лойиҳа ишга туширилиб, 4688 та янги иш ўрни яратилди. Қолган 2та лойиҳанинг («Мега зироат» МЧЖ, «Онлайн сторе» МЧЖ) ишга тушиш муддати 2021 йил I чорагига қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида берган топшириқларида ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 34-сонли мажлис баёнининг **51-бандига** асосан «Жорий йил якунига қадар 5 млн. бош паррандани ҳар бир хонадонга 250-500 бошдан тарқатиб, кластер усулида гўшт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» вазифаси белгиланган.




Бугунги кунга қадар Андижон вилояти бўйича 42та паррандачилик кластерлари шакллантирилди. Мазкур кластерларга режа бўйича талаб этиладиган 55,0 млрд. сўм белгиланган бўлиб, амалда 61,1 млрд. сўм *(Ўзсаноатқурилишбанк томонидан 45,1 млрд. сўм, бошқа банклар – 21,0 млрд. сўм)* кредит маблағлари ажратиш учун кредит линияси очилган. Ҳозирда мазкур кластерлар томонидан вилоят бўйича аҳоли хонадонларига 4,9 млн. бош парранда тарқатилди.

Филиал томонидан тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, хорижий кредит линияларини жалб этиш, инновацион банк хизматларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши баробарида мазкур ҳудудларнинг янада тараққий этишига замин яратмоқда.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман!**

***Ҳамдам Аминов суҳбатлашди.***



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БОҒЛИҚЛИКЛАРИГА ОИД ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТЛАР

**Мазкур тадқиқот ишининг мақсади Ўзбекистоннинг ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларни эмпирик тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш, тадқиқот натижаларининг макроиқтисодий моҳиятини ёритиб бериш ҳамда макроиқтисодий сиёсат чора-тадбирлари юзасидан қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин бўлган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.**



**Шерзод Хайитбоев,**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходими

Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистоннинг 2014-2020 йиллар учун тўлов баланси ва ташқи қарзига оид чораклик кўрсаткичлардан фойдаланилган бўлиб, унинг натижалари мазкур кўрсаткичларни эмпирик тадқиқотларда қай даражада қўллаш мумкинлигини кўриш имконини беради.

Ушбу ишда Ўзбекистон ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш учун амалга оширилган таҳлил натижалари асосида қуйидагилар аниқланди:

- Марказий банк томонидан шакллантирилаётган Ўзбекистон тўлов баланси ва ташқи қарзи кўрсаткичларини эмпирик тадқиқотларда самарали қўллаш мумкин.
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) жалб қилган корхоналар 6 чорак (1,5 йил) ўтиб экспорт фаолияти билан шуғулланиши муносабати билан мазкур икки кўрсаткич ўртасида кичик бўлса ҳам боғлиқлик мавжуд.
- Импорт 1-2 чорак давомида экспортнинг шаклланишига таъсир этиши мумкин. Бунда импорт ҳажми ўзгарганида, экспорт ҳажми ҳам бир хил динамикада ўзгаради.
- Тадқиқот натижалари шахсий трансфертлар оқими экспортнинг камайишига эмас, балки унинг шаклланишига сабаб бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Яъни экспорт ва шахсий трансфертлар ўртасида 1-3 чорак оралиғида ўзаро икки томонлама сабабий боғлиқлик мавжуд.
- Тадқиқот натижалари жалб қилинган давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарз маблағларининг маълум бир қисми айнан импорт тўловлари учун йўналтирилган бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шунингдек, ташқи қарз кўрсаткичи Ўзбекистоннинг 2019 йилнинг бошида илк бор қўлга киритган

суверен кредит рейтинги билан юқори даражада боғлиқликка эга эканлиги аниқланди.

- Тадқиқот натижалари экспорт ва импортнинг миллий валюта курсига сезиларли таъсир кўрсата олиши мумкинлигини, ТТХИнинг таъсири эса сезиларсиз эканлигини, шунингдек, ташқи қарз ва шахсий трансфертлар кўрсаткичларининг статистик муҳим эмаслигини кўрсатди.

Кейинги қисмларда юқоридаги хулосаларнинг таҳлилий баёни келтирилган.

**1. Ўзбекистоннинг ташқи сектори статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларга оид дастлабки таҳлиллар.**

Ўзбекистоннинг ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш учун дастлаб 1-иловадаги кўрсаткичлар ёрдамида Пирсон корреляция (Pearson correlation) матрицаси тузиб олинди (2-илова).

2-иловада келтирилган Ўзбекистоннинг ташқи сектори

**ИМПОРТ 1-2 ЧОРАК ДАВОМИДА ЭКСПОРТНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТИШИ МУМКИН. БУНДА ИМПОРТ ҲАЖМИ ЎЗГАРГАНИДА, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ҲАМ БИР ХИЛ ДИНАМИКАДА ЎЗГАРАДИ.**

статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларга оид дастлабки маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, энг катта боғлиқлик импорт ва ташқи қарз ўртасида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, экспорт ва импорт ўртасида, шахсий трансфертлар ва экспорт ўртасида, импорт ва валюта курси ўртасида ҳамда ТТХИ, ташқи қарз ва валюта курси ўртасида нисбатан юқори даражадаги корреляция мавжудлиги маълум бўлди. Қолган ўзгарувчилар ўртасида корреляция даражаси манфий, паст ёки муҳим ҳисобланмайди (insignificant).

Кейинги босқичда тадқиқотда ишлатиладиган кўрсаткичларнинг стационарлиги (stationary) ёки тренд (trend = nonstationary) ўзгарувчи эканлиги «ADF Unit root test» ўтказилиши орқали текширилди (3-илова).


ЎзА фотоси.

3-иловага кўра, тадқиқотда фойдаланилаётган барча кўрсаткичлар дастлабки ҳолатда стационар эмас. Уларни стационарга айлантириш учун «биринчи фарқланиш» (1st difference)[1] билан олиниши кераклиги маълум бўлди.

Кейинги босқичда Ўзбекистон ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари ўртасида сабабий боғлиқликлар аниқланди. Бунда Гренжер сабабий боғлиқлик тестидан (Granger Causality Test)[2] фойдаланилди. Мазкур тестни ўтказиш орқали кўрсаткичларнинг маълум бир давр ичида бир-бирининг шаклланишига сабаб бўлиши ёки сабаб бўлмаслиги аниқланади. Мазкур тестнинг натижалари 4-иловадаги жадвалда акс эттирилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон тўлов балансида кўрсаткичлари ўртасида фақат 4та ҳолатда сабабий боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди. Бунда сабабий боғлиқлик 1-6 чорак ўтиб, яъни қисқа-ўрта муддатда мавжуд бўлиши маълум бўлди. Ташқи сектор кўрсаткичлари ўртасида Гренжер сабабий боғлиқлик тестининг ўтказилиши учун чет эллик иқтисодчи-тадқиқотчиларнинг ишлари илмий асос бўлиб хизмат қилади (1-жадвал).

Қуйида Гренжер сабабий боғлиқлик тести ёрдамида аниқланган тўртта гипотеза келтирилган (уларнинг батафсил изоҳлари мазкур тадқиқотнинг кейинги қисмида қайд этилган):

1. Ўзбекистонга жалб қилинган ТТХИ экспортнинг шакл-

---

[1] *Фарқланиш (differencing) – бу шундай эконометрик усулки, у вақт қаторидан ўзгаришларни олиб ташлаш ҳамда тренд ва мавсумийликни йўқотиш (ёки камайтириш) орқали вақт қаторининг ўртача қийматини барқарорлаштиришга ёрдам беради.*

[2] *Гренжер сабабий боғлиқлик тести (Granger causality) – бу вақт қаторларининг бошқасини прогноз қилишда фойдали ёки фойдали эмаслигини аниқлаш учун қўлланиладиган статистик гипотеза тести. Мазкур усулга кўра, агар X1 ўзгарувчи X2 ўзгарувчининг шаклланишига сабаб бўлса, у ҳолда X1 шундай қийматларни ўз ичига оладики, улар X2 нинг қийматларини шакллантиришга ёки прогноз қилишга ёрдам беради.*

ланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Мазкур гипотеза ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига киритилган ТТХИ, 6 чорак ўтиб, шу корхоналарнинг экспорт фаолияти кенгайишига сабаб бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

2. Ўзбекистон импорти 1-2 чораклик муддатда экспортининг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу гипотеза корхона импорт қилган маҳсулоти ёки хизматларидан фойдаланган ҳолда ўзи ишлаб чиқарган товар ва хизматларини экспорт қилиши, шунингдек Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт географияси ўхшаш эканлиги билан изоҳланади.

3. Ўзбекистоннинг экспорти ва киритилган шахсий трансфертлари ўртасида 1-3 чорак оралиғида ўзаро икки томонлама сабабий боғлиқлик мавжуд бўлиши мумкинлиги аниқланди. Мазкур гипотезанинг фақатгина бир изоҳи бўлиши мумкин: Ўзбекистон экспорт қилувчи ҳамкор мамлакатлар ва Ўзбекистонга шахсий трансфертларни жўнатувчи асосий мамлакатларнинг ўхшаш эканлиги ва улардаги иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир эта олиши.

4. Ўзбекистон импорти 1-2 чораклик муддатда ташқи қарзнинг шаклланишига (жалб қилиниши) сабаб бўлиши мумкин. Бу гипотеза корхона импорт қилган маҳсулоти ёки хизматлари учун тўловларни кейинчалик ташқи қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириши мумкинлиги билан изоҳланади.

*1-жадвал*

**Гренжер сабабий боғлиқлик тестининг (Granger Causality Test) хорижий тадқиқот ишларида қўлланилиши**

| | |
|---|---|
| Б.Абрахам (2018) | У Ҳиндистоннинг (1990-2015 йиллар) экспорти ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари (ТТХИ) ўртасидаги Гренжер сабабий боғлиқликни ўрганиб, ТТХИ экспортга ва ўз навбатида экспорт ТТХИнинг шаклланишига сабаб бўлишини аниқлади. |
| Х.Лиу, С.Ванг, Й.Вей (2001) | Улар Хитойнинг ташқи савдоси ва унга киритилган ТТХИ ўртасидаги сабабий боғлиқликни тадқиқ қилиб, импортнинг ТТХИ ўсишига ва бу ўз навбатида экспортнинг ортишига сабаб бўлишини аниқладилар. |
| М.Иқбал, Ф.Шайх, А.Шар (2010) | Улар Покистоннинг экспорти, ТТХИ ва иқтисодий ўсиш каби кўрсаткичлари учун Гренжер сабабий боғлиқлик тестини ўтказиб, экспорт ва ТТХИ ўртасида узоқ муддатли икки томонлама боғлиқлик мавжудлигини аниқладилар. |
| Ф.Хсиао, М.Хсиао (2006) | Улар 8та Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг (1986-2004 йиллар) ТТХИ, экспорти ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқликларни тадқиқ этиб, улар ўртасида Гренжер сабабий боғлиқлик мавжудлигини аниқладилар. |
| М.Дрицаки, С.Дрицаки, А.Адамопулос (2004) | Улар Грециянинг (1960-2002 йиллар) иқтисодий ўсиши, ташқи савдоси ва ТТХИ ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиб, экспорт ва иқтисодий ўсиш ўртасида икки томонлама боғлиқлик мавжудлигини, ТТХИ кўпайиши иқтисодий ўсишга ва экспортнинг ривожланишига сабаб бўлишини кўрсатиб бердилар. |
| С.Дрицаки (2013) | Греция учун яна бир тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, экспортнинг ўсиши иқтисодий ўсишга ва бу ўз навбатида давлат қарзларининг ортишига сабаб бўлади. |
| В.Саад (2012) | У Ливаннинг (1970-2010 йиллар) иқтисодий ўсиш, экспорт ва ташқи қарз каби кўрсаткичларининг Гренжер сабабий боғлиқликларини ўрганди ва ушбу кўрсаткичлар ўртасида қисқа ва узоқ муддатли боғлиқлик мавжудлигини аниқлади. |
| Х.Ян (2005) | У 5та ривожланган ва 5та ривожланаётган мамлакатлар учун уларнинг тўлов баланси кўрсаткичлари ўртасидаги Гренжер сабабий боғлиқликларни тадқиқ қилди. Натижалар ривожланаётган мамлакатларда тўлов балансининг молиявий ҳисоби компонентларининг ўзгариши жорий операциялари ҳисоби компонентларининг ўзгаришига сабаб бўлганлигини кўрсатса, ривожланган мамлакатларда улар ўртасида сабабий боғлиқликлар мавжуд эмаслигини кўрсатди. |

***Манба:*** *муаллиф томонидан тузилган.*

## 2. Ўзбекистоннинг ташқи сектори статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларнинг кенгайтирилган таҳлили.

Мазкур қисмда 2-иловада келтирилган корреляция матрицаси ва Гренжер сабабий боғлиқлик тести (Granger Causality Test) натижаларига биноан Ўзбекистон ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликлар батафсил таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон миллий валюта курсига таъсир этувчи тўлов баланси кўрсаткичлари иштирокидаги эконометрик моделнинг натижалари баён қилинган.

### 2.1. Ўзбекистонга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ва экспорт ўртасидаги боғлиқлик.

Кўплаб ташқи савдо муносабатларига оид тадқиқотларда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган энг асосий омиллардан бири ТТХИ эканлиги таъкидланади. ТТХИнинг экспорт маҳсулотларини (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга йўналтирилиши экспорт салоҳиятини ошириш, хусусан, экспорт маҳсулотларини (иш, хизмат) диверсификация қилиш, қўшилган қиймати юқори ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишни таъминлайди. Шуни

*Махсус илова*

ТТХИ ва экспорт ўртасидаги боғлиқликларга оид кўплаб тадқиқотларда ТТХИнинг икки тури ажратиб кўрсатилади: горизонтал ва вертикал.

Кругман, Обстфелд ва Мелитзнинг қайд этишича:

**Горизонтал ТТХИ** хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг бирор мамлакатга ўз маҳсулотларини экспорт қилишда катта харажатлар ва тўсиқларга дуч келиши сабабли ўша мамлакат ҳудудида ўз шуъба корхонасини очиш мақсадида киритадиган инвестицияси ҳисобланади. Бунда горизонтал ТТХИ ва экспорт бир-бирининг ўрнини босувчи ҳисобланади. Хорижий компания экспорт қилишдаги харажатлар инвестиция киритаётган мамлакатда янги шуъба очиш учун кетадиган ўзгармас харажатлардан каттароқ бўлса, ўша мамлакатда ўзининг шуъбасини очиш қарорига келади. Бунда ТТХИ киритишга фойдани максималлаштиришдаги танлов сифатида қарайди.

**Вертикал ТТХИ** эса ишлаб чиқариш харажатларининг катталиги ва бошқа омиллар сабабли тайёр маҳсулот ёки тўлдирувчи маҳсулот (хомашё, ярим тайёр) ишлаб чиқаришни бошқа мамлакатда ташкиллаштириш мақсадида киритиладиган инвестиция ҳисобланади. Бунда вертикал ТТХИ ва экспорт бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Бундай ҳолатда мамлакатлар ўртасида савдо тўсиқлари ва харажатлари кам бўлиши зарур. Бунда ТТХИ киритишдан мақсад арзон ишлаб чиқариш ресурсларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишдир.

Ж.Маркунсеннинг фикрига кўра, бирор мамлакатнинг бошқа мамлакатга киритаётган горизонтал ТТХИси унинг экспорти билан тескари боғлиқликка эга. Чунки ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотини экспорт қилиш ўрнига бошқа мамлакатда ўз шуъба корхонасини очади. Узоқ муддатда ушбу шуъба корхона бошқа мамлакатларга ўз маҳсулотини экспорт қилиши орқали у жойлашган мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Э.Ҳелпманнинг фикрига кўра, бирор мамлакатнинг бошқа мамлакатга киритаётган вертикал ТТХИси унинг экспорти билан тўғри боғлиқликка эга. Чунки ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан паст (масалан, ишчи кучи арзонроқ, ресурслар нархи пастроқ) бўлган мамлакатга инвестиция киритиш орқали оралиқ маҳсулотни (тўлдирувчи маҳсулот) ишлаб чиқармасдан туриб, бош компания жойлашган мамлакатда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариб бўлмайди, акс ҳолда буни катта ишлаб чиқариш харажатлари эвазига амалга оширишга тўғри келади. Бунда оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётган мамлакатнинг шу инвестиция киритган мамлакатга қиладиган экспорти ҳажми ошади, яъни у оралиқ маҳсулотларни етказиб бера бошлайди.

Шунга қарамай, вертикал ТТХИларнинг жалб қилиниши икки мамлакатнинг ҳам учинчи мамлакатларга қиладиган экспорти ҳажми пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг асосий сабаби ТТХИ киритилиши натижасида мамлакатларнинг халқаро савдода бир-бирига боғланиб қолиши бўлиши мумкин. Масалан, НАФТА (Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси)га аъзо мамлакатлар – АҚШнинг бирор тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун оралиқ маҳсулотларни Мексикадаги шуъба корхонасидан сотиб олиши ва бу каби инвестицияларнинг кўп бўлиши икки мамлакатнинг ташқи савдода бир-бирига боғланиб қолишига, экспорт географиясининг қисқаришига сабаб бўлади. Аммо бу икки томонлама савдо алоқаларнинг ривожланишига замин яратади.

Шу билан бир қаторда, қисқа муддат ичида мамлакат ТТХИни қабул қилиш орқали экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган техника ва технологиялар, ноу-хауларни ўзлаштириш имконига эга бўлади. Ж.Вернон ҳам ўзининг “Маҳсулотнинг ҳаёт давомийлиги” назариясида технологиянинг инновация, ўсиш, етуклик ва пасайиш каби 4 босқичли ишлаб чиқариш жараёнидан ўтишини қайд этган бўлиб, сўнгги икки босқичда технологиядан фойдаланиш ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга ўтиб кетиши ва у ердаги арзон ишчи кучи ҳисобига рақобатбардош бўлиши ҳамда бу уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилишини таъкидлаган.

ТТХИнинг ташқи савдога таъсири бўйича бирор хорижий мамлакат мисолида амалга оширилган тадқиқот. К.Жанг Хитойнинг 186 турдаги саноат ишлаб чиқаришини ўрганиб, ТТХИнинг ташқи савдога таъсири капитал омили интенсив қўлланиладиган саноатдан кўра ишчи кучи интенсив қўлланиладиган саноатда намоён бўлишини аниқлади. Шу билан бир қаторда, у Хитойнинг экспортини рағбатлантиришда ички инвестициялардан кўра ТТХИларнинг таъсири кўпроқ эканини аниқлади. Бундан ташқари, илгари Хитой компаниялари маҳсулотни хорижий харидорларга етказиш, истеъмолчилар дидларидаги кескин ўзгаришлар, хорижий стандартларга мослашиш ва маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги таниқлилигини таъминлаш борасида улкан муаммоларга дуч келган бўлса, кейинчалик ТТХИларнинг киритилиши бу муаммоларни ҳал қилиб, Хитой маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилди.

***Манба:*** *муаллиф томонидан тузилган.*

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОНГА ИМПОРТ ҚИЛИНГАН БАРЧА ТОВАРЛАРНИНГ 1/3 ҚИСМИНИ МАШИНАЛАР, АСБОБ-УСКУНАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.**

ҳам қайд этиш жоизки, ТТХИнинг жалб қилиниши мамлакатда қисқа муддат ичида импорт ҳажмининг ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин, аммо бу узоқ муддатда экспорт ҳажмининг ортишига хизмат қилади (ТТХИ ва экспорт ўртасидаги боғлиқликка оид тадқиқотлар қуйидаги махсус иловада келтирилган).

Маълум бир чорак давомида Ўзбекистонга жалб қилинган ТТХИ 1,5 йил ўтиб экспортнинг шаклланишига сабаб бўлганлиги тўғрисидаги гипотезанинг тўғрилигини текшириш учун 2019 йилнинг I чорагида хорижий капитал иштирок этган 1338та компанияга киритилган ТТХИнинг 2020 йилнинг III чорагидаги экспорт тушумлари ҳамда товарлар экспортига қандай таъсир этганлиги текширилди. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил учун танлаб олинган корхоналарга 2019 йилнинг I чорагида жами 546 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ТТХИ киритилган бўлиб, улардан 258таси 2020 йилнинг III чорагида 392 млн. АҚШ доллари (шу даврдаги жами экспорт тушумларининг 16 фоизи)га тенг экспорт тушумларига эга бўлган бўлса, улардан 180таси 177 млн. АҚШ доллари (шу даврдаги жами товарлар экспортининг 6 фоизи)га тенг товарлар экспортини амалга оширган (2-жадвал).

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мазкур экспорт кўрсаткичининг ўтган чораклардаги натижаларга нисбатан пастлигига бутун жаҳон миқёсида бошланган коронавирус пандемияси сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бироқ шуниси аниқки, Гренжер сабабий боғлиқлик тести ТТХИ жалб қилган корхоналарнинг экспорт фаолияти билан шуғулланишлари боис мазкур икки кўрсаткич ўртасида боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди.

*2-жадвал*

**Ўзбекистонга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва экспорт ҳажмлари (оқим)**

| 2019 йил | 2019 йил | | | | 2020 йил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I чорак | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | I чорак | II чорак | III чорак |
| ТТХИ (млн. АҚШ долл.) | ТТХИ жалб қилган корхоналарнинг экспорт тушуми (млн. АҚШ долл.) | | | | | | |
| 546 [1338та] | 418 [243та] | 386 [257та] | 394 [271та] | 412 [276та] | 369 [268та] | 332 [224та] | 392 [258та] |
| | ТТХИ жалб қилган корхоналарнинг товарлар экспорти (млн. АҚШ долл.) | | | | | | |
| | 179 [168та] | 192 [182та] | 54 [125та] | 239 [203та] | 187 [185та] | 156 [165та] | 177 [180та] |
| | ТТХИ жалб қилган корхоналар экспорт тушумларининг жами экспорт тушумларидаги улуши | | | | | | |
| | 21% | 16% | 17% | 15% | 20% | 19% | 16% |
| | ТТХИ жалб қилган корхоналар экспортининг жами товарлар экспортидаги улуши | | | | | | |
| | 6% | 6% | 1% | 7% | 7% | 6% | 6% |

***Манба:*** *муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

Бироқ амалиётда жалб қилинган ТТХИ 1,5 йил эмас, балки узоқроқ вақт ўтиб экспорт фаолиятининг ривожланишида самара бериши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

### 2.2. Ўзбекистон экспорти ва импорти ўртасидаги боғлиқлик.

Мамлакатнинг ташқи савдо кўрсаткичлари ўртасидаги сабабий боғлиқликлар, назарий жиҳатдан олиб қараганда, икки томонлама бўлиши мумкин:

а) Экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё товарлари, асбоб-ускуна ёки хизматлар импорт қилинса (ички бозордаги харидлардан ташқари), у ҳолда экспорт импортга боғлиқ, яъни импорт экспортнинг шаклланишига сабаб бўлади;

б) Импорт қилинадиган товарлар (хизмат, иш) учун тўловлар экспорт тушумлари ҳисобига амалга оширилса (ички бозорда сотишдан тушган тушумдан ташқари), у ҳолда импорт экспортга боғлиқ, яъни экспорт импортнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Мазкур икки ҳолат ҳам Ўзбекистон шароитида кузатилиши мумкин. Бироқ юқорида ўтказилган боғлиқликка оид эконометрик таҳлиллар фақат импорт экспортнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Аслида эса Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларда аксинча бўлиши ҳам мумкин, чунки товар ва хизматларни импорт қилишда экспорт тушумлари асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи маълумотларига кўра, Ўзбекистонга импорт қилинган барча товарларнинг 1/3 қисмини машиналар, асбоб-ускуналар ташкил қилади. Агар уларнинг экспорт товарлари ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкинлигини инобатга олсак, мазкур импорт операциялари ўрта ва узоқ муд-

датли даврда экспорт ҳажмларининг ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ташқи савдо кўрсаткичлари учун юқорида амалга оширилган Гренжер сабабий боғлиқлик тести импортнинг экспортга бир чорак давомида таъсир этиши мумкинлигини кўрсатган эди. Буни кўрсаткичларнинг график кўринишидан ҳам билиб олиш мумкин (1-диаграмма).

Импортнинг экспортга сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги гипотезани батафсилроқ таҳлил қилиш учун 2019 йилнинг барча чораклари ва 2020 йилнинг I-II чоракларида импорт операцияларини амалга оширган корхоналарнинг экспорт фаолияти таҳлил қилинди (3-жадвал).

Мазкур таҳлилда жами 5-6 млрд. АҚШ долларига тенг импорт операцияларини амалга оширган 5,3-7,0 мингта корхона танлаб олинди. Масалан, 2019 йилнинг I чораги давомида 5599та корхона жами 5,0 млрд. АҚШ долларилик товарлар импортини амалга оширган бўлиб, улардан фақат 722таси (13%) жами 962 млн. АҚШ долларилик товарлар экспортини амалга оширди. Кейинги чоракларда товарлар импорти ҳажмлари ўзгарганида, уларнинг экспорти ҳажмлари ҳам бир хил динамикада ўзгарди. Ўзгаришларнинг бир хил динамикага эгалигини Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт географияси жуда ўхшашлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Демак, импорт экспортнинг шаклланишига сабаб бўлиши учун корхона импорт қилган маҳсулоти ёки хизматларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарган товар ва хизматларини экспорт қилиши керак. 2019 йил давомида корхоналар томонидан амалга оширилган товарлар экспорти ва импорти операцияларининг таҳлили шуни кўрсатдики, катта ҳажмларда товарлар импортини амалга оширган, бироқ товарлар экспорти кичик ҳажмларда бўлган ёки умуман экспорт фаолия-

**ИМПОРТ ЭКСПОРТНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА САБАБ БЎЛИШИ УЧУН КОРХОНА ИМПОРТ ҚИЛГАН МАҲСУЛОТИ ЁКИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШИ КЕРАК.**

*1-диаграмма*

**Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси**




** Экспорт товарлари таркибида олтин мавжуд эмас.*

***Манба:** 1-иловада келтирилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

*3-жадвал*

**Ўзбекистоннинг ташқи савдо операциялари ҳажмлари (товарлар)**

| Йил | 2019 йил | | | | 2020 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Чорак | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | I чорак | II чорак |
| Экспорт (млн. АҚШ долл.) | 962 | 1 149 | 1 089 | 1 197 | 1 128 | 1 028 |
| Импорт (млн. АҚШ долл.) | 5 024 | 5 548 | 5 847 | 6 007 | 4 533 | 4 651 |
| Импортёрлар сони (...та) | 5 599 | 6 683 | 7 013 | 6 857 | 5 041 | 5 319 |
| *Улардан экспорт операцияларини амалга оширганлар (...та)* | 722 | 821 | 843 | 909 | 756 | 802 |
| *Фоизда* | 13% | 12% | 12% | 13% | 15% | 15% |

***Манба:** муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

*4-жадвал*

**2019 йилда товарлар экспорти ва импорти операцияларини амалга оширган корхоналар**

| Ҳам экспорт қилувчи, ҳам импорт қилувчи корхоналар сони | Манфий савдо баланси сальдосига эга корхоналар сони | Мусбат савдо баланси сальдосига эга корхоналар сони | Савдо баланси |
|---|---|---|---|
| 3 547та (100%) | 1 944та (55%) | 1 374та (39%) | 229 (6%) |

***Манба:** муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

ти билан шуғулланмаган корхоналар ҳам мавжуд.

Таҳлилда бир вақтнинг ўзида ҳам экспорт қилувчи, ҳам импорт қилувчи 3547та корхона иштирок этди. Шулардан 1944таси (55%) 2019 йил давомида савдо балансининг манфий қолдиғига эга бўлган бўлса, улардан 1374тасининг (39%) товарлари экспорти импортидан ортиқ бўлган (4-жадвал). Агар корхоналар экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ўрнига ички бозорда сотиш учун катта ҳажмларда импорт операцияларини амалга оширса ҳамда бундай корхоналарнинг сони кўп бўлса, бу импортнинг экспортга сабаб бўлиши тўғрисидаги гипотезанинг ҳақиқатга яқин эканлиги эҳтимолини камайтиради. Аксинча, агар корхоналар импорт қилинган хомашё ва ускуналардан фойдаланган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ташқи савдо балансининг мусбат қолдиғини шакллантиришга ҳисса қўшса, импортнинг экспортга сабаб бўлиши тўғрисидаги гипотезанинг ҳақиқатга яқин эканлиги эҳтимолини оширади.

### 2.3. Ўзбекистон экспорти ва шахсий трансфертлари ўртасидаги боғлиқлик.

Экспорт ва шахсий трансфертлар мамлакатга валюта оқимини таъминловчи тўлов баланси жорий операциялари ҳисобининг асосий компонентлари бўлиб, улар ўртасидаги боғлиқликка оид бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган (5-жадвал):

Демак, хорижий тадқиқотлар чет эл валюта оқимининг асосий манбаларидан бири шахсий трансфертлар бўлган мамлакатларда трансфертлар валюта курси қадрининг ошишига ва бу уларнинг экспорти камайишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, даромадлари кўпайган аҳолининг импорт қилинадиган товар ва хизматларга талаби ортиши мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон учун ҳам шахсий трансфертлар экспорт каби асосий хорижий валюта манбаларидан ҳисобланади. Хусусан, шахсий трансфертлар 2020 йилда ЯИМнинг 10,2 фоизини ташкил қилган (6-жадвал).

Ваҳоланки, Ўзбекистон мисолида Гренжер сабабий боғлиқлик тестининг натижаларига кўра, шахсий трансфертлар оқими экспортнинг камайишига эмас, балки унинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Яъни экспорт ва шахсий трансфертлар ўртасида 1-3 чорак оралиғида ўзаро икки томонлама сабабий боғлиқлик мавжуд бўлиши эҳтимоли бор. Буни 2-диаграммада кўриш мумкин.

Мазкур икки кўрсаткич ўртасидаги сабабий боғлиқликни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ўзбекистоннинг асосий экспорт ҳамкор мамлакатлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонга шахсий трансфертларни жўнатувчи асосий мамлакатлар ҳисобланиши ҳамда бу мамлакатларнинг иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ташқи сектор статистикасига таъсир эта олиши сабабли экспорт ва шахсий трансфертлар ўртасида икки томонлама сабабий боғлиқлик мавжуд бўлиши эҳтимоли бор. Хусусан, 2019

*5-жадвал*

**Гренжер сабабий боғлиқлик тестининг (Granger Causality Test) хорижий тадқиқот ишларида қўлланилиши**

| | |
|---|---|
| Л.Т. Тунг (2018) | Унинг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг 1980-2015 йиллар учун савдо баланси ва шахсий трансферт кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларга оид эмпирик тадқиқотига кўра, шахсий трансфертлар бу мамлакатларнинг савдо баланси кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган. Бунга сабаб соф шахсий трансфертлар аҳолининг даромадини ва бу ўз навбатида импорт товарларига бўлган талабни ошириб юборган. |
| А. Стратан, М. Чиструга (2012) | Уларнинг Молдова мисолида амалга оширган тадқиқотлари киритилган шахсий трансфертларнинг экспортнинг камайишига сабаб бўлишини кўрсатди. Шахсий трансфертлар миллий валюта курси қадрининг ошишига ва бу ўз навбатида экспорт ҳажмининг қисқаришига олиб келган. |
| Н.П. Хиен (2017) | У Малайзияга 1990-2015 йиллар оралиғида киритилган шахсий трансфертларнинг савдо балансига таъсирини тадқиқ қилиб, трансфертлар ҳажмининг кичиклиги валюта курси қадрининг ошишига сабаб бўлмаганлиги ва бу ўз навбатида савдо балансига салбий таъсир кўрсатмаганлигини аниқлади. |
| А. Хуршид ва бошқалар (2018) | Муаллифлар қуйи, ўрта-қуйи ва ўрта даромадли 58та мамлакат мисолида 1988-2014 йиллар учун шахсий трансфертлар, экспорт ва валюта курси ўртасида боғлиқликларни ўрганиб, соф трансфертлар мазкур мамлакатларнинг валюта курси қадри ошишига, натижада экспорт товар ва хизматлари рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатишини аниқладилар. Бу ҳодиса иқтисодиётда «Голландия касаллиги»* деб ҳам талқин қилинади. |
| Э. Лартей ва бошқалар (2012) | Уларнинг 109 та мамлакат учун (1993-2003 йиллар) шахсий трансфертлар ва валюта курсига бағишланган тадқиқотларида ҳам шахсий трансфертлар оқими Голландия касаллигига сабаб бўлгани ва бу эса экспорт ҳажмининг камайиб кетишига олиб келгани келтириб ўтилган. |

** **Голландия касаллиги.** Мазкур термин биринчи марта 1977 йилда «The economist» журналида Нидерландияда янги топилган газ ўчоғидан катта ҳажмларда газ экспорт қилиниши натижасида мамлакат миллий валюта курси қадрининг ошиши барча голланд экспорт товарлари рақобатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлганлиги муносабати билан қайд этилган.*

***Манба:** муаллиф томонидан тузилган.*

*6-жадвал*

**Ўзбекистон экспорти ва шахсий трансфертларининг ЯИМдаги улушлари**

| | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Экспорт (%) | 15,2 | 12,1 | 9,5 | 15,5 | 22,3 | 20,8 | 14,8 |
| Шахсий трансфертлар (%) | 8,4 | 4,7 | 4,6 | 8,3 | 10,1 | 10,4 | 10,2 |

***Манба:** муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

*2-диаграмма*

**Ўзбекистон экспорти ва шахсий трансфертлари ҳажми, млн. АҚШ долл.**




***Манба:** 1-иловада келтирилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

йилда Ўзбекистон экспортининг энг катта қисми (15 фоизи) Россия Федерациясига тўғри келган. Шахсий трансфертларнинг энг катта қисми (77 фоизи) ҳам айнан Россиядан жўнатилган. Шунингдек, мазкур мамлакатлар қаторига Қозоғистон, Туркия, Жанубий Корея, Қирғизистон, Хитой каби мамлакатларни қўшиш мумкин. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Ўзбекистонга шахсий трансфертлар ҳажмининг ортиши уларни жўнатувчи мамлакатларнинг миллий валюта курслари қадри ошаётганлигидан ва пировардида Ўзбекистоннинг ана шу мамлакатларга экспорти кўпайишидан ҳам далолат беради.

### 2.4. Ўзбекистон импорти ва ташқи қарзи ўртасидаги боғлиқлик.

Ўзбекистон ривожланишнинг шундай босқичидаки, импорт учун тўловларни экспорт тушумлари билан бир қаторда бошқа ташқи манбалар ҳисобига амалга оширади. Экспорт тушумларининг импорт тўловларини тўлиқ қоплаб беролмаслиги сабабли тўлов баланси жорий операциялари ҳисобини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган ташқи қарз маблағларидан ҳам фойдаланилади. Бундай ҳолатда мазкур кўрсаткичлар ўртасида корреляцион боғлиқлик бўлиши табиийдир. 2-иловадаги корреляцион матрицада ҳам импортнинг ташқи қарз билан боғлиқлик кўрсаткичлари катта эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Гренжер сабабий боғлиқлик тестининг натижалари импортнинг 1-2 чорак оралиғида ташқи қарз маблағларининг жалб қилинишига сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосани берган эди.

Агар мазкур гипотеза тўғри бўлса, корхоналар товар ва хизматларни импорт қилган пайтдан 1-2 чорак ўтиб импорт тўловларини бошқа манбалар билан бир қаторда ташқи қарз маблағлари ҳисобига амалга оширган бўладилар.

7-жадвалга кўра, ҳар бир ўрганилаётган даврда товарларни импорт қилган пайтдан 1-2 чорак ўтиб ташқи қарз маблағларини жалб қилган корхоналар мавжуд бўлган ва уларнинг импорт тўловларини ташқи қарз маблағлари ҳисобига амалга оширганликларининг эҳтимоллиги катта.

2020 йилнинг I ярим йиллигида жалб қилинган жами давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарзнинг 10 фоиздан ортиғи импорт тўловларини амалга оширишга йўналтирилган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, таҳлилдаги статистик маълумотларнинг чекланганлиги сабабли импорт ва ташқи қарзга оид мазкур гипотезанинг тўғрилигини текшириш учун қўшимча ўрганиш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи кўрсаткичлари таҳлил қилинса, 2019-2020 йилларда жалб қилинган ташқи қарз ҳажми ўтган даврлардагига нисбатан кўпроқ бўлганлиги ойдинлашади. Бу 2019 йилнинг бошида мамлакатнинг илк бор суверен кредит рейтингни қўлга киритгани ва ўз навбатида давлат банкларининг хорижий қарз маблағларини жалб қилишда имкониятлари кенгайгани билан боғлиқ.

Буни эконометрик таҳлил асосида текшириш учун тадқиқотда ишлатилаётган ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари қаторига янги ўзгарувчи – «Суверен кредит рейтингини олганлик» қўшилди. Мазкур ўзгарувчи 2019 йилгача бўлган давр учун «0» қиймат (суверен кредит рейтинги мавжуд эмас), 2019 йилдан кейинги давр учун «1» қиймат (суверен кредит рейтинги мавжуд) билан қайд этилди.

«Суверен кредит рейтинги» ўзгарувчиси ва тўлов баланси кўрсаткичлари қатнашган янги корреляцион матрица натижаларига кўра, мазкур ўзгарувчи ташқи қарз кўрсаткичи билан энг юқори боғлиқликка (0,78) эга бўлди. Шунингдек, у импорт (0,66), ТТХИ (0,48) ва валюта курси (0,56) кўрсаткичлари билан ҳам тўғридан-тўғри боғлиқликка эга эканлиги аниқланди.

**2.5. Ўзбекистоннинг валюта курси ва ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари қатнашган регрессион модель.**

Валюта курсига таъсир этувчи омиллар таҳлилига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг аксариятида ўзгарувчилар сифатида инфляция даражаси, ЯИМнинг ўсиш сурати, пул таклифи, фоиз ставкаси, жорий операциялар ҳисобининг сальдоси, нефтнинг жаҳон нархлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар каби кўрсаткичлар танлаб олинган. Уларнинг айримлари ҳақида қуйидаги жадвалда маълумот келтирилган (8-жадвал):

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий валюта курсига фақат валюта оқимларининг таъсирини ва улар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кам. Шунингдек, Ўзбекистон ташқи сектор статистикаси кўрсаткичларининг унинг миллий валюта курсига қандай таъсир кўрсатиши кўплаб иқтисодчи-тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Шу боисдан қуйида Ўзбекистон экспорти, импорти, жалб қилинган ТТХИ ва ташқи қарзи, киритилган шахсий трансфертлари каби ўзгарувчиларнинг Ўзбекистон миллий валюта курсига таъсири бўйича эконометрик модель натижалари таҳлили қайд этилди:

Ташқи қарз ва шахсий трансфертлар кўрсаткичлари эконометрик тестдан ўтмаганлиги сабабли улар моделдан чиқариб ташланади. Қолган ўзгарувчилар билан қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил қилинди:

$$ln(ExR) = 6,18 - 1,21\ ln(Exp) + 1,18\ ln(Im) + 0,34\ (FDI)$$

Бу ерда, ***ExR*** – миллий валюта курси, ***Exp*** – экспорт, ***Im*** – импорт, ***FDI*** – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ).

Регрессия тенгламасининг коэффициентлари ва ўзгарувчиларини тестдан ўтказиш натижалари 5-иловада келтирилган.

Мазкур эконометрик таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон миллий валюта курсининг ўзгариши импорт ва жалб қилинган ташқи қарзга нисбатан тўғри боғлиқликка эга бўлса, экспортга нисбатан тескари боғлиқликка эга. Хусусан:

- Экспорт ҳажмининг 1 фоизга ортиши валюта курсининг 1,21 фоизга камайиши (яъни,

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНСА, 2019-2020 ЙИЛЛАРДА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТАШҚИ ҚАРЗ ҲАЖМИ ЎТГАН ДАВРЛАРДАГИГА НИСБАТАН КЎПРОҚ БЎЛГАНЛИГИ ОЙДИНЛАШАДИ. БУ 2019 ЙИЛНИНГ БОШИДА МАМЛАКАТНИНГ ИЛК БОР СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНИ ВА ЎЗ НАВБАТИДА ДАВЛАТ БАНКЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙГАНИ БИЛАН БОҒЛИҚ.**




ЎзА фотоси.

қадрининг ошиши)га олиб келади. Бу экспортнинг кўпайиши натижасида валюта тушумларининг ортиши билан изоҳланади;

◆ Импорт ҳажмининг 1 фоизга ортиши валюта курсининг 1,18 фоизга ортиши (яъни, қадрсизланиши)га олиб келади. Бу импортнинг кўпайиши натижасида хорижий валютага талабнинг ортиши ва бу ўз навбатида импорт тўловларининг кўпайиши билан изоҳланади;

◆ Жалб қилинаётган ТТХИ ҳажмининг 1 фоизга ортиши валюта курсининг 0,34 фоизга ортиши (яъни, қадрсизланиши)га олиб келади. Аслида эса бунинг акси кузатилиши керак эди. Яъни ТТХИнинг жалб қилиниши мамлакатга хорижий валютанинг киришини англатиб, миллий валюта курсига ревальвацион таъсир кўрсатиши керак. Бироқ модель ТТХИ ҳажмининг камлиги, валюта курсига сезиларли таъсир кўрсата олмаслиги ҳамда ТТХИнинг импорт билан уйғунлашгани сабабли уни хорижий валюта тушуми эмас, балки харажат сифатида инобатга олган.

Демак, Ўзбекистон тўлов баланси кўрсаткичларининг миллий валюта курсига таъсири ва улар ўртасидаги боғлиқликка бағишланган эконометрик модель натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мазкур кўрсаткичлар орасида экспорт ва импорт миллий валюта курсига сезиларли таъсир кўрсата олса, ТТХИнинг таъсири эса сезиларсиз. Шунингдек, модель ташқи қарз ва шахсий трансфертлар кўрсаткичларининг статистик муҳим эмаслигини кўрсатди.

Хулоса. Ўзбекистон ташқи сектор статистикаси кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш учун амалга оширилган таҳлил натижалари асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни қайд этиш мумкин:

■ Марказий банк томонидан шакллантирилаётган Ўзбекистон тўлов баланси ва ташқи қарзи кўрсаткичларини эмпирик тадқиқотларда самарали қўллаш мумкин. Тадқиқот натижаларининг ҳақиқатга яқинлигини таъминлаш учун вақт қаторларини кўпайтириш лозим.

■ Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) жалб қилган корхоналар 6 чорак (1,5 йил) ўтиб экспорт фаолияти билан шуғулланиши муносабати билан мазкур икки кўрсаткич ўртасида кичик бўлса ҳам боғлиқлик мавжуд. Бироқ амалиётда жалб қилинган ТТХИ 1,5 йил эмас, балки узоқроқ вақт ўтиб экспорт фаолиятининг ривожланишида самара бериши мумкин. ТТХИ маблағларининг қўшилган қиймати юқори маҳсулот (хизмат, иш) ишлаб чиқаришга ва Ўзбекистоннинг ташқи савдода нисбий афзалликка эга соҳаларига кўпроқ жалб қилиниши экспорт салоҳиятининг ошишига самаралироқ таъсир кўрсатади.

■ Импорт 1-2 чорак давомида экспортнинг шаклланишига таъсир этиши мумкин. Бунда импорт ҳажми ўзгарганида экспорт ҳажми ҳам бир хил динамикада ўзгаради. Ўзгаришларнинг

*7-жадвал*

**Ўзбекистоннинг товарлар импорти ва давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарз кўрсаткичлари**

| Товарлар импорти (млн. АҚШ долл.) | Товарларни импорт қилган корхоналар томонидан жалб қилинган давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарз ҳажми (млн. АҚШ долл.) | | |
|---|---|---|---|
| 2019 й. I чорак | 2019 й. I чорак | 2019 й. II чорак | 2019 й. III чорак |
| 5024 | 295 | 351 | 353 |
| 2019 й. III чорак | 2019 й. III чорак | 2019 й. IV чорак | 2020 й. I чорак |
| 5847 | 521 | 1162 | 980 |

***Манба:** муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

*8-жадвал*

**Валюта курсига таъсир этувчи омилларнинг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар**

| | |
|---|---|
| Венкатесан М. Поннамма (2017) | Улар Ҳиндистон валюта курсига таъсир этувчи энг асосий омил инфляция эканлигини аниқлаб, мамлакатга жалб қилинган ТТХИ узоқ муддатли даврда миллий валюта курси ўзгаришига таъсир этишини аниқладилар. |
| А. Басит И. Ансари (2015) | Улар ўз эмпирик тадқиқотларида Покистоннинг валюта курсига таъсир этувчи омиллар сифатида ташқи қарз ва ТТХИни танлаб олишди. Тадқиқот натижалари ташқи қарзнинг валюта курсига нисбатан тескари боғлиқликка, ТТХИнинг валюта курсига нисбатан тўғридан-тўғри боғлиқликка эга эканлигини кўрсатди. |
| В. Сонг (2018) | Жанубий Корея ташқи қарзининг миллий валюта курсига таъсирини ўрганишга бағишланган мазкур тадқиқотнинг натижаларига кўра, мамлакат ташқи қарзи ҳажмининг ортиши вон қадрининг пасайишига сабаб бўлар экан. |
| Ч. Танг ва бошқалар (2017) | Хитой валюта курсининг ўзгаришига сабаб бўлувчи омилларнинг эмпирик таҳлилига бағишланган мазкур тадқиқотнинг натижалари миллий валюта курсининг М2 пул массаси, халқаро валюта захиралари билан тескари боғлиқликка эга эканлигини кўрсатди. |
| Д. Дювинг (2015) | Унинг тадқиқоти натижаларига кўра, Жанубий Африка Республикаси валюта курсига таъсир этувчи омилларнинг даражалари қуйидагича: фоиз ставкаси (36%), инфляция даражаси (31%), иқтисодий ўсиш (3,5%), савдо очиқлиги (0,45%), пул таклифи (0,25%) ва давлат харажатлари (0,03%). |

***Манба:** муаллиф томонидан тузилган.*



ЎзА фотоси.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ ЭКСПОРТ ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАРИ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ШАХСИЙ ТРАНСФЕРТЛАРНИ ЖЎНАТУВЧИ АСОСИЙ МАМЛАКАТЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ҲАМДА БУ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СЕКТОРИ СТАТИСТИКАСИГА ТАЪСИР ЭТА ОЛИШИ МУМКИН. АСЛИДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТА КУРСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАХСИЙ ТРАНСФЕРТЛАР ВА ЭКСПОРТ ЎРТАСИДА ТЕСКАРИ БОҒЛИҚЛИК БЎЛИШИ КЕРАК.**

бир хил динамикага эга эканлигини Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт географияси жуда ўхшашлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Қўшимча ўрганишлар катта ҳажмдаги товарлар импортини амалга оширган, бироқ товарлар экспорти кичик ҳажмларда бўлган ёки умуман экспорт фаолияти билан шуғулланмаган корхоналар ҳам мавжудлигини кўрсатди. Экспорт фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлган ёки ҳозиргидан-да кўпроқ ҳажмларда экспорт операцияларини амалга оширишга салоҳияти бор бўлган, лекин айни вақтда савдо балансининг катта манфий сальдосига эга бўлган корхоналарни ўрта ва узоқ муддатда экспорт фаолиятини ривожлантиришга эркин рақобатга зид бўлмаган усуллар билан рағбатлантириш лозим.

■ Тадқиқот натижалари шахсий трансфертлар оқими экспортнинг камайишига эмас, балки унинг шаклланишига сабаб бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Яъни, экспорт ва шахсий трансфертлар ўртасида 1-3 чорак оралиғида ўзаро икки томонлама сабабий боғлиқлик мавжуд. Бунга сабаб, Ўзбекистоннинг асосий экспорт ҳамкор мамлакатлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонга шахсий трансфертларни жўнатувчи асосий мамлакатлар ҳисобланиши ҳамда бу мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сектори статистикасига таъсир эта олиши мумкин. Аслида миллий валюта курсидаги ўзгаришлар муносабати билан шахсий трансфертлар ва экспорт ўртасида тескари боғлиқлик бўлиши керак.

■ Тадқиқот натижалари жалб қилинган давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарз маблағларининг маълум бир қисми айнан импорт тўловлари учун йўналтирилган бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шунингдек, ташқи қарз кўрсаткичи Ўзбекистоннинг 2019 йилнинг бошида илк бор қўлга киритган суверен кредит рейтинги билан юқори даражада боғлиқликка эга эканлиги аниқланди.

■ Тадқиқот натижалари экспорт ва импортнинг миллий валюта курсига сезиларли таъсир кўрсата олиши мумкинлигини, ТТХИнинг таъсири эса сезиларсиз эканлигини, шунингдек, ташқи қарз ва шахсий трансфертлар кўрсаткичларининг статистик муҳим эмаслигини кўрсатди. Бироқ амалиётда ташқи қарз ва шахсий трансфертлар маълум бир даражада миллий валюта курсига таъсир этиши керак. Моделнинг бундай натижаларни кўрсатишига сабаб статистик кўрсаткичларнинг етарлича вақт қаторлари мавжуд эмаслиги ва улар тўғри эмаслиги бўлиши мумкин.

*1-илова*

## Ўзбекистоннинг ташқи савдо операциялари ҳажмлари (товарлар)

| Йил_чорак | Экспорт* (млн. долл.) | Импорт (млн. долл.) | Ўзбекистонга шахсий трансфертлар (млн. долл.) | ТТХИ** (млн. долл.) оқим | Ташқи қарз (млн. долл.) оқим | Валюта курси*** (долл./сўм) номинал |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2014_1ч | 2345,5 | 3891,8 | 1089,3 | 96,4 | 270,5 | 2900 |
| 2014_2ч | 2861,3 | 4035,0 | 1862,6 | 558,8 | 578,6 | 3013 |
| 2014_3ч | 3033,4 | 4002,4 | 2340,5 | 274,3 | 912,9 | 3060 |
| 2014_4ч | 3436,6 | 4473,4 | 1175,9 | 448,4 | 733,2 | 3333 |
| 2015_1ч | 2387,6 | 3605,2 | 609,5 | 394,6 | 623,6 | 3847 |
| 2015_2ч | 2342,8 | 3812,6 | 1109,7 | 476,0 | 559,0 | 4400 |
| 2015_3ч | 2454,6 | 4174,4 | 1256,4 | 391,8 | 598,8 | 4670 |
| 2015_4ч | 2733,2 | 3077,0 | 905,2 | 555,4 | 665,3 | 5590 |
| 2016_1ч | 1758,8 | 3074,3 | 559,0 | 384,6 | 292,1 | 6290 |
| 2016_2ч | 1908,7 | 3591,5 | 965,6 | 480,9 | 771,0 | 6260 |
| 2016_3ч | 1877,5 | 3876,0 | 1265,8 | 338,5 | 532,7 | 6353 |
| 2016_4ч | 2197,2 | 3939,2 | 993,4 | 802,8 | 1077,8 | 6787 |
| 2017_1ч | 1841,3 | 3472,2 | 805,1 | 653,8 | 404,7 | 7083 |
| 2017_2ч | 2101,1 | 4154,9 | 1201,2 | 614,1 | 406,3 | 8073 |
| 2017_3ч | 2337,8 | 4531,2 | 1604,3 | 678,4 | 420,1 | 8178 |
| 2017_4ч | 2872,1 | 4311,9 | 1286,1 | 630,8 | 962,1 | 8082 |
| 2018_1ч | 2248,9 | 4870,5 | 949,5 | 559,5 | 447,3 | 8156 |
| 2018_2ч | 2761,1 | 5768,9 | 1335,1 | 422,9 | 517,8 | 8005 |
| 2018_3ч | 2727,3 | 5906,2 | 1544,5 | 477,0 | 1051,8 | 7854 |
| 2018_4ч | 3488,3 | 6898,0 | 1285,7 | 357,3 | 1724,6 | 8268 |
| 2019_1ч | 2449,7 | 5931,9 | 1064,0 | 650,6 | 2302,5 | 8380 |
| 2019_2ч | 3339,6 | 6602,7 | 1528,8 | 1213,4 | 2112,6 | 8480 |
| 2019_3ч | 3107,8 | 6985,6 | 1862,4 | 874,6 | 1282,2 | 9030 |
| 2019_4ч | 3178,1 | 7030,6 | 1553,9 | 1323,1 | 3212,5 | 9486 |
| 2020_1ч | 2205,0 | 5353,7 | 1081,4 | 494,4 | 1603,1 | 9530 |
| 2020_2ч | 1774,1 | 4980,8 | 1355,7 | 559,9 | 1999,7 | 10051 |
| 2020_3ч | 2234,4 | 5790,5 | 1843,4 | 542,9 | 1985,4 | 10239 |

* *Экспорт таркибида олтин ҳисобга олинмаган.*
** *ТТХИ – Ўзбекистонга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.*
*** *Миллий валюта курси 2017 йил 5 сентябргача бўлган норасмий бозор курсини ўз ичига олади.*
***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзига оид нашрлари.*

*2-илова*

## Ўзбекистоннинг асосий ташқи сектор статистикаси кўрсаткичларининг ўзаро корреляцияси

| | Ln(Экс) | Ln(Им) | Ln(ШТр) | Ln(ТТХИ) | Ln(ТҚ) | Ln(ВК) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ln(Экс) | 1,000 | | | | | |
| Ln(Им) | 0,538 (0,004) | 1,000 | | | | |
| Ln(ШТр) | 0,508 (0,007) | 0,558 (0,002) | 1,000 | | | |
| Ln(ТТХИ) | 0,180 (0,370) | 0,401 (0,038) | 0,162 (0,419) | 1,000 | | |
| Ln(ТҚ) | 0,387 (0,046) | 0,728 (0,000) | 0,417 (0,030) | 0,531 (0,004) | 1,000 | |
| Ln(ВК) | -0,152 (0,450) | 0,572 (0,002) | 0,076 (0,706) | 0,605 (0,001) | 0,509 (0,007) | 1,000 |

***Изоҳ:** **Ln** – натурал логарифм; **Экс** – экспорт; **Им** – импорт; **ШТр** – Ўзбекистонга шахсий трансфертлар; **ТТХИ** – жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар; **ТҚ** – жалб қилинган ташқи қарз; **ВК** – миллий валюта курси.*
***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзига оид нашрлари.*

*3-илова*

## Кўрсаткичларнинг стационарлигини аниқлаш учун ўтказилган тест натижалари

| Unit root test (Augmented Dickey-Fuller test) | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўзгарувчи | Трендсиз | | Тренд билан | |
| | Дастлабки даража (Level) | 1 фарқ (1st difference) | Дастлабки даража (Level) | 1 фарқ (1st difference) |
| Экс | 0,0545 | 0,0000 | 0,1884 | 0,0036 |
| Им | 0,6179 | 0,0001 | 0,4301 | 0,0011 |
| ШТр | 0,3767 | 0,0000 | 0,0461 | 0,0001 |
| ТТХИ | 0,0001 | 0,0000 | 0,0001 | 0,0000 |
| ТҚ | 0,6384 | 0,0000 | 0,0697 | 0,0000 |
| ВК | 0,1002 | 0,0394 | 0,9065 | 0,0341 |

***Изоҳ:*** *барча кўрсаткичлар 0,05 (ёки 5%)дан паст бўлган ҳолатдагина стационар ҳисобланади.*
***Манба:*** *муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

*4-илова*

## Кўрсаткичлар ўртасида сабабий боғлиқликни аниқлаш учун Гренжер сабабий боғлиқлик тестининг натижалари (1 лаг = 1 чорак)

| Pairwise Granger Causality Tests (Пеярвайс Гренжер Кежуалити Тести) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Нолинчи гипотеза | Кузатувлар сони | Лаглар сони | F-статистика | P қиймат | Тасдиқ / Инкор |
| Экспорт ташқи қарзга сабаб бўлмайди | 19 | 7 | 5.11667 | 0.1037 | Тасдиқ |
| Ташқи қарз экспортга сабаб бўлмайди | | 7 | 0.46008 | 0.8208 | Тасдиқ |
| Валюта курси ташқи қарзга сабаб бўлмайди | 24 | 2 | 1.24324 | 0.3121 | Тасдиқ |
| Ташқи қарз валюта курсига сабаб бўлмайди | | 2 | 1.87679 | 0.1818 | Тасдиқ |
| ТТХИ ташқи қарзга сабаб бўлмайди | 19 | 7 | 3.58940 | 0.1607 | Тасдиқ |
| Ташқи қарз ТТХИга сабаб бўлмайди | | 7 | 1.84392 | 0.3315 | Тасдиқ |
| Импорт ташқи қарзга сабаб бўлмайди | 24 | 2 | 4.71491 | 0.0410 | Инкор |
| Ташқи қарз импортга сабаб бўлмайди | | 2 | 1.03882 | 0.3192 | Тасдиқ |
| Трансфертлар ташқи қарзга сабаб бўлмайди | 25 | 1 | 4.17031 | 0.0539 | Тасдиқ |
| Ташқи қарз трансфертларга сабаб бўлмайди | | 1 | 2.83899 | 0.1068 | Тасдиқ |
| Валюта курси экспортга сабаб бўлмайди | 25 | 1 | 3.58610 | 0.0721 | Тасдиқ |
| Экспорт валюта курсига сабаб бўлмайди | | 1 | 0.00024 | 0.9879 | Тасдиқ |
| ТТХИ экспортга сабаб бўлмайди | 20 | 6 | 10.3089 | 0.0060 | Инкор |
| Экспорт ТТХИга сабаб бўлмайди | | 6 | 0.40346 | 0.8531 | Тасдиқ |
| Импорт экспортга сабаб бўлмайди | 25 | 1 | 6.43139 | 0.0188 | Инкор |
| Экспорт импортга сабаб бўлмайди | | 1 | 2.50867 | 0.1275 | Тасдиқ |
| Трансфертлар экспортга сабаб бўлмайди | 25 | 1 | 24.0097 | 0.0000 | Инкор |
| Экспорт трансфертларга сабаб бўлмайди | | 1 | 14.6730 | 0.0009 | Инкор |
| ТТХИ валюта курсига сабаб бўлмайди | 21 | 5 | 0.54418 | 0.7396 | Тасдиқ |
| Валюта курси ТТХИга сабаб бўлмайди | | 5 | 1.13172 | 0.4096 | Тасдиқ |
| Импорт валюта курсига сабаб бўлмайди | 24 | 2 | 1.14880 | 0.3392 | Тасдиқ |
| Валюта курси импортга сабаб бўлмайди | | 2 | 1.14914 | 0.3391 | Тасдиқ |
| Трансфертлар валюта курсига сабаб бўлмайди | 23 | 3 | 0.91990 | 0.4550 | Тасдиқ |
| Валюта курси трансфертларга сабаб бўлмайди | | 3 | 2.63330 | 0.0879 | Тасдиқ |
| Импорт ТТХИга сабаб бўлмайди | 19 | 7 | 0.16554 | 0.2613 | Тасдиқ |
| ТТХИ импортга сабаб бўлмайди | | 7 | 2.33156 | 0.9765 | Тасдиқ |
| Трансфертлар ТТХИга сабаб бўлмайди | 23 | 3 | 2.47894 | 0.1010 | Тасдиқ |
| ТТХИ трансфертларга сабаб бўлмайди | | 3 | 0.93815 | 0.4468 | Тасдиқ |
| Трансфертлар импортга сабаб бўлмайди | 24 | 2 | 2.90327 | 0.0808 | Тасдиқ |
| Импорт трансфертларга сабаб бўлмайди | | 2 | 0.09274 | 0.9119 | Тасдиқ |

***Изоҳ:*** *қизил рангда белгиланган сонлар ўзгарувчилар ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бунда р қиймат 0,05 (ёки 5%)дан паст бўлиши лозим.*
***Манба:*** *муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

5-илова

**Эконометрик модель натижалари**

*Мустақил бўлмаган ўзгарувчи: LN_FX*
*Усул: Least Squares*
*Кузатувлар сони: 27*

| Ўзгарувчи | Коэффициент | Хатолик | t-статистика | P қиймат |
|---|---|---|---|---|
| LN_EX | -1.211750 | 0.228797 | -5.296190 | 0.0000 |
| LN_FDI | 0.341562 | 0.088134 | 3. 875480 | 0.0008 |
| LN_IM | 1.176919 | 0.201671 | 5.835835 | 0.0000 |
| C | 6.176234 | 1.629115 | 3.791158 | 0.0009 |
| R-squared | 0.772659 | Mean dependent var | | 8.767379 |
| Adjusted R-squared | 0.743005 | S.D. dependent var | | 0.396562 |
| S.E. of regression | 0.201035 | Akaike info criterion | | -0.234717 |
| Sum squared resid | 0.929551 | Schwarz criterion | | -0.042741 |
| Log likelihood | 7.168683 | Hannan-Quinn criter. | | -0.177633 |
| F-statistic | 26.05648 | Durbin-Watson stat | | 1.436475 |
| Prob(F-statistic) | 0.000000 | Normality test | | 1.605759 |

***Изоҳ:*** *EXR – миллий валюта курси,* ***ED*** *– ташқи қарз,* ***IM*** *– импорт,* ***FDI*** *– тўғридан-тўғри хорижий инвестиция.*
***Манба:*** *муаллифнинг ҳисоб-китобларига асосланган ҳолда тайёрланган.*

# 2020 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ КЎП СОЛИҚ ТЎЛАГАН КОМПАНИЯЛАР ТОП-10 РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси матбуот хизмати 2020 йил сарҳисоби ҳақида маълумотларни ЎзАга маълум қилди.**

Мазкур тоифага мансуб йирик солиқ тўловчилар ўтган йилда 836та бўлган бўлса, жорий йилдан уларнинг сафи кенгайиб, умумий сони 1 120тага етди.

Ўтган 2020 йил якунларига кўра, республика миқёсида жами солиқ тушумлари миқдори 103,6 трлн сўмни ташкил этган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, шундан 67,7 трлн сўм миқдоридаги солиқ тушумлари айнан йирик солиқ тўловчилар томонидан амалга оширилган. 2020 йилда республика бўйича жами сўм солиқ тушумларининг 65 фоиздан ортиғи Инспекция томонидан ундирилган.




2020 йил якунига кўра, энг кўп солиқ тушумларини амалга оширган йирик солиқ тўловчилар ТОП-10 талиги қуйидагича кўриниш олди:

① «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси.
② «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ.
③ «Ўзтрансгаз» АЖ.
④ «Ўзбекнефтьгаз» АЖ.
⑤ «ЎЗБАТ» АЖ ҚК.
⑥ «Лукойл».
⑦ «Ўзавто Моторс» АЖ.
⑧ «Ўзбектелеком» АЖ.
⑨ «Ҳудудгазтаъминот» АЖ.
⑩ «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ.

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОНТИНЕНТАЛ МОДЕЛГА АСОСЛАНГАН КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТУЗИЛИШИ (COMMERZBANK AG МИСОЛИДА)

**Корпоратив бошқарувнинг бир неча моделлари мавжуд бўлиб, континентал (инсайдерлик) модели банк амалиётида кўп учрайди. Корпоратив бошқарувнинг континентал модели Германия, Голландия, Швейцария, Австрия, Норвегия каби Ғарбий Европа мамлакатлари учун хосдир. Бундан ташқари, ушбу модель Франция ва Бельгиядаги бир қатор компаниялар фаолиятида кўзга ташланади.**

Бу моделнинг шаклланишига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатди. Улар орасида, биринчи навбатда, устав капиталининг юқори даражада концентрацияси, корпоратив қарорларни қабул қилишда банкларнинг устувор аҳамияти ва акциялар пакетининг хусусий сармоядорлар ўртасида нисбатан кам тарқалиши кабилар қайд этилган. Йирик компанияларда 5 та энг йирик акциядор улушига ушбу компанияларнинг 40% дан кўпроқ акцияси тўғри келади[1].

Фонд бозори АҚШ ва Буюк Британияга қараганда сезиларли даражада камроқ ликвидликка эга. Шу сабабли континентал моделда акциялар концентрациясининг юқори даражаси ва компания қарорларига тўғридан-тўғри таъсир эта оладиган акциялар пакетига эга стратегик инвесторларнинг мавжудлиги тавсифланади, улар орасида банк тузилмалари муҳим роль ўйнайди. Континентал моделда компания бошқарув тизими икки босқичли тузилишга эга: кузатув кенгаши ва бошқарув кенгаши. Энг юқори бошқарув органи акциядорлар йиғилиши ҳисобланади. Компанияни бошқариш учун назорат функцияларига эга бўлган кузатув кенгаши ва тўлиқ ижро ҳокимияти ҳуқуқи берилган бошқарув кенгаши ташкил этилади.

Ходимларнинг компания бошқарувида иштироки континентал корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусан, Германияда 1976 йилда қабул қилинган «Иштирок этиш тўғрисида»ги (Co-determination Act Germany) қонунга асосан 500дан ортиқ ишчилари бўлган компанияларда ходимлар кузатув кенгашига барча жойларнинг 1/3 қисми баробарида ўз вакилларини сайлайдилар. Ходимлар сони 2 мингдан ортиқ компанияларда кузатув кенгашидаги барча ўринларнинг ярми ходимлар орасидан сайланади. Кузатув кенгашининг қолган қисми акциядорлар томонидан сайланади. Шундай қилиб, ижтимоий ҳамкорликнинг асосий принципи ушбу орган орқали амалга оширилади.

Германиядаги деярли барча компаниялар трансчегаравий улкан тармоқнинг бир қисмидир. Банклар ва суғурта компаниялари ушбу тизимнинг марказий қисми ҳисобланади. Тарихан, бошланғич кимошди савдоларида банклар андеррайтер сифатида иш олиб бориб, компаниялар акцияларини (IPO) мумкин бўлган даражагача сотиб олишган. Компания IPO орқали қанчалик катта маблағ олса, банк йирик акциядорга айланиши ва кузатув кенгашида иштирок этиши эҳтимоли кўпроқ бўлади. Континентал модель шароитида корпорация капиталининг катта қисми у билан боғлиқ бўлган шахсларга тегишли бўлганлиги сабабли ушбу модель «инсайдерлик модели» деб номланади.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг континентал (инсайдерлик) модели амалдаги ҳолатини Германия Республикаси банклари энг йирик 4та банкларидан бири бўлган Commerzbank AGда татбиқ қилинган корпоратив бошқарув тизими асосида таҳлил қиламиз.

Commerzbank AG дунёнинг 50га яқин мамлакатларида филиаллари ва ваколатхоналарига эга бўлган етакчи халқаро тижорат банкидир. Банк дунё бўйлаб 16,9 миллиондан ортиқ хусусий ва кичик бизнес ҳамда 70 мингдан ортиқ корпоратив мижозларга, шу жумладан трансмиллий корпорацияларга, молиявий хизматларни етказиб берувчиларга ва институционал мижозларга хизмат кўрсатади. Commerzbank AG Германия ташқи савдосининг қарийб 30 фоизини амалга оширади ва Германия корпоратив банк бозорида етакчи ҳисобланади. Банк Германиядаги 800га яқин филиалга эга бўлган Commerzbank AG Германияда мижозларга хизмат кўрсатадиган энг зич филиаллар тармоғига эга. Бундан ташқари, Commerzbank AG ўз мижозлари учун энг муҳим бизнес марказларида тўғридан-тўғри



**Тоштемир Бердиев,**
АТ «Халк банки» Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириш департаменти директори ўринбосари




[1] *Ключков В.Н. Германская модель корпоративного управления: генезис, особенности и традиции // Менеджмент в России и за рубежом. 2006. №6.*

ваколатланади, унинг чет элда 445 филиали мавжуд. 2019 молиявий йилда Commerzbank AG GROUPнинг ялпи даромади 8,6 млрд. еврони ташкил этди. Жорий йилда гуруҳ таркибида умумий ҳисобда 48,500 ходим фаолият юритди. Commerzbank AG акциядорларига тегишли консолидациялашган фойда 644 млн. еврони ташкил этди. Умумий активлар 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 463,6 млрд. еврони ташкил қилди[2].

Commerzbank AG – Германия қонунларига биноан масъулияти чекланган компания (AG) ҳисобланади. 2019 йил 31 декабрда Commerzbank AG барча акцияларининг қарийб 40 фоизи йирик акциядор – Германия Федератив Республикаси ва CERBERUS компанияси, шунингдек асосан Германияда яшаётган хусусий акциядорларга тегишли. Commerzbank AG барча акцияларининг қарийб 60 фоизи институционал инвесторларнинг қўлида. Улардан йирик акциядор сифатида Blackrock (Америка инвестиция компанияси)ни келтириш мумкин. Бундан ташқари, Norges Bank (Норвегия Марказий банки) орқали Норвегия ҳукумати ҳам

**COMMERZBANK AG – ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЛАРИГА БИНОАН МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН КОМПАНИЯ (AG) ҲИСОБЛАНАДИ. 2019 ЙИЛ 31 ДЕКАБРДА COMMERZBANK AG БАРЧА АКЦИЯЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ 40 ФОИЗИ ЙИРИК АКЦИЯДОР – ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ВА CERBERUS КОМПАНИЯСИ, ШУНИНГДЕК АСОСАН ГЕРМАНИЯДА ЯШАЁТГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛАРГА ТЕГИШЛИ.**

банк акцияларига эга. Акцияларнинг Free float даражаси 80 фоизни ташкил этди[3] (Диаграмма).

Commerzbank AG ҳар бир акцияси битта овозга эга. 2019 йил якунлари бўйича акциядорлар умумий йиғилиши чақирилган муддатда Commerzbank AG устав капитали 1,252,357,634,0 еврони ташкил қилган ва 1,252,357,634 дона акцияга бўлинган. Бир нечта овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар, имтиёзли овоз бериш ҳуқуқлари («олтин» акциялар) ёки максимал овоз бериш ҳуқуқлари мавжуд эмас[4].

Диаграммадан кўриниб турибдики, банк акциядорлик капитали институционал инвесторлар ва Германия Федератив Республикаси қўлида жамланган.

Масъулиятли корпоратив бошқарув Commerzbank AG имижининг бир қисмидир. Шу сабабли банк ўз фаолиятини самарали корпоратив бошқарув тамойиллари билан ҳамоҳанг тарзда олиб боради. Ўз-ўзини тартибга солиш воситаси сифатида корпоратив бошқарув кодекси шаффоф ва намунали корпоратив бошқарув бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олади. У 2001 йилда ташкил этилган ҳукумат комиссияси томонидан ишлаб чиқилиб, 2002 йилда қабул қилинган ҳамда аввало корпоратив бошқарув ва назорат механизмларини янада шаффоф қилиш, шу орқали иқтисодиётнинг юқори даражаларига инвесторларнинг ишончини кучайтиришга қаратилган.

Commerzbank AG директорлар кенгаши таркиби икки бос-




[2] https://www.commerzbank.de/en/nachhaltigkeit/datenfakten/publikationen/gri_bilanz/gri_2019.html.
[3] https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/service/archive/konzern/2020_4/Geschaeftsbericht_2019_Konzern_EN.pdf.
[4] https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/haupt/2020_7/deutsch/Gesamtzahl_Stimmrechte_HV_2020.pdf.

*Диаграмма*

**2020 йил 1 январь ҳолатига Commerzbank AGнинг акциядорлари таркиби**




***Манба:** https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/service/archive/konzern/2020_4/Geschaeftsbericht_2019_Konzern_EN.pdf.*

*1-чизма*

**Commerzbank AGнинг корпоратив бошқарув тузилмаси**




***Манба:** изланишлар натижасида тадқиқотчи томонидан тузилди.*

*2-чизма*

**Commerzbank AGнинг кузатув кенгаши қўмиталари тузилмаси**




***Манба:** https://www.commerzbank.de/media/de/konzern_1/konzerninfo/aufsicht/ausschuesse_aufsichtsrat.pdf.*




қичдан (Two-tier Board System) иборат[5]: (1-чизма).

- Ходимлар ва акциядорлар вакилларидан ташкил топган Кузатув кенгаши (Supervisory Board);
- Фаолиятнинг кундалик юритилишидан манфаатдор бўлган Бошқарувчи Директорлар Кенгаши (Board of Managing Directors).

Кузатув кенгаши (Supervisory Board):

- Банкнинг умумий ривожланиш стратегиясига жавобгардир, Бошқарувчи Директорлар Кенгашини назорат қилади, уларга маслаҳат беради, Банк назорати бўйича тегишли қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, Бошқарувчи Директорлар Кенгашини рағбатлантириш тизимини назорат қилади, компания учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча қарорларда иштирок этиши керак, Кузатув кенгаши Бошқарувчи Директорлар Кенгаши аъзоларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Бошқарув аъзоларини тайинлашда Кузатув кенгаши гендер тенгликни ҳисобга олади. Кузатув кенгаши Бошқарув аъзоси бўлган аёлларнинг улушини белгилаб беради. Бошқарув билан биргаликда у узоқ муддатли ворисликни режалаштиришни таъминлаши керак. Кузатув кенгаши қўмитага Бошқарув аъзоларини тайинлаш ва меҳнат шартномаларида, шу жумладан иш ҳақи шартларини ишлаб чиқишда тайёргарликни топширишга ҳақлидир.

Commerzbank AG Кузатув кенгаши 20 кишидан иборат бўлиб, улардан ўн нафар аъзо Co-determination Act Germany-га мувофиқ банк ходимлари томонидан сайланади, қолган ўнта вакил Commerzbank AG акциядорлари томонидан сайланади. Германия корпоратив бошқарув кодексига биноан, барча акциядорлари томонидан сайланган вакиллар банк, унинг корпоратив органлари, назорат қилувчи акциядор билан шахсий ёки бизнес алоқаси йўқ, чунки бунинг акси манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Германия корпоратив бошқарув кодекси[6] 5.3.1-бандига асосан Commerzbank AG Кузатув кенгаши 8та махсус қўмиталарни ташкил этган (2-чизма).

Кузатув кенгаши тегишли қўмиталар аъзоларини шу соҳа мутахассисларидан тузади. Қўмита раислари доимий равишда Кузатув кенгашига ўз қўмиталари иши тўғрисида ҳисобот бериб турадилар. Бир киши бир неча қўмита аъзоси бўлиши мумкин.

Қўмиталар ва уларнинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсак[7]:

① Рақамлаштириш ва технологиялар қўмитаси (7 кишидан иборат). Қўмита Commerzbank AG тизмидаги банкларни рақамлаштириш ва бунинг учун зарур бўлган IT технологияларга инвестиция қилиш бюджети бўйича Кузатув кенгаши томонидан маслаҳат бериш ва мониторинг қилиш фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

**COMMERZBANK AG КУЗАТУВ КЕНГАШИ 20 КИШИДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, УЛАРДАН ЎН НАФАР АЪЗОСИ CO-DETERMINATION ACT GERMANY-ГА МУВОФИҚ БАНК ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН САЙЛАНАДИ, ҚОЛГАН ЎНТА ВАКИЛ COMMERZBANK AG АКЦИЯДОРЛАРИ ТОМОНИДАН САЙЛАНАДИ.**

5 *https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/governance/corporate_governance_praesentation/202007_Commerzbank_Corporate_Governance_Website.pdf.*

6 *Германия корпоратив бошқарув кодекси 2017 йил 7 февралдаги шакли.*

7 *https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/governance/corporate_governance_praesentation/202007_Commerzbank_Corporate_Governance_Website.pdf.*

**COMMERZBANK AG КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЕГИШЛИ ҚЎМИТАЛАР АЪЗОЛАРИНИ ШУ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИДАН ТУЗАДИ. ҚЎМИТА РАИСЛАРИ ДОИМИЙ РАВИШДА КУЗАТУВ КЕНГАШИГА ЎЗ ҚЎМИТАЛАРИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ БЕРИБ ТУРАДИЛАР. БИР КИШИ БИР НЕЧА ҚЎМИТА АЪЗОСИ БЎЛИШИ МУМКИН.**

② Компенсация ва назорат қўмитаси (4 кишидан иборат). Қўмита Бошқарувчи Директорлар Кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тизимини шакллантириш, Ходимларнинг иш ҳақи тизимини мониторинг қилиш бўйича Кузатув кенгаши фаолиятини амалга оширади, шунингдек Риск қўмитаси билан ҳамкорлик қилади.

③ Воситачилик қўмитаси (4 кишидан иборат). Қўмитанинг вазифалари ва таркиби Германия Ҳамкорлик тўғрисидаги қонунининг (Co-determination Act) 27-банди 3-қисмида кўрсатилган.

④ Тайинлов қўмитаси (5 кишидан иборат. Германия корпоратив бошқарув кодекси 5.3.3-бандига асосан тўлиқ акциядорлардан тузилган). Қўмита Кузатув кенгашига акциядорлар томонидан номзодларни тавсия қилиш, улар бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича Кузатув кенгашини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

⑤ Ижтимоий хавфсизлик қўмитаси (6 кишидан иборат). Қўмита барча ходимлар учун умумий аҳамиятга эга бўлган шахсий ва ижтимоий муаммолар учун жавобгардир.

⑥ Риск қўмитаси (6 кишидан иборат). Қўмита банк рисклари ва бошқарувини мониторинг қилиш, хусусан умумий риск стратегиясига, кичик хатар стратегияларига ва кредитлаш жараёни билан боғлиқ рисклар, бозор риски, ликвидлик билан боғлиқ рисклар, операцион рисклар, банк обрўсини сақлаш ва комплаенс фаолияти билан шуғулланади.

⑦ Раислик қўмитаси (6 кишидан иборат). Қўмита Бошқарувчи директорлар кенгаши аъзолари билан меҳнат шартномаларини тузиш, зарурат бўлганда уларга ўзгартириш киритиш ва бекор қилишга жавобгардир.

⑧ Аудит қўмитаси (6 кишидан иборат). Банк фаолияти учун энг муҳим қўмиталардан бири ҳисобланади. Қўмита бухгалтерия ҳисоби ва жараёни, ички назорат тизимининг самарадорлиги, рискларни бошқариш тизими, аудит текшируви ўтказиш, банкнинг комплаенс фаолияти учун жавобгардир. Аудиторлик қўмитаси аудиторлик текшируви тайинлаш тўғрисида асослантирилган тавсияномани Кузатув кенгашига тақдим этади, у камида иккита номзоддан иборат бўлади, агар аудиторлик текшируви лозим бўлса танловга қўяди. Қўмита аудиторнинг мустақиллигини назорат қилади ва аудитор томонидан қўшимча хизматларни амалга ошириш, аудиторлик талабларини ишлаб чиқиш, аудитнинг асосий йўналишларини белгилаш ва аудитор билан ҳисоб-китоб жараёни билан шуғулланади. Германия корпоратив бошқарув кодекси 5.3.2-бандига асосан Кузатув кенгаши раиси тафтиш комиссиясига раислик қилмайди.

Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи ҳар бир йиғилиш ёки конференция, кузатув кенгаши ёки унинг қўмиталаридан бирининг йиғилишига келиши учун 1500 евро миқдорида пул олади. 2018 йилда давомат даражаси ~ 96% ни ташкил этган.

Бошқарувчи Директорлар Кенгаши (Board of Managing Directors). Бошқарувчи Директорлар Кенгаши банкнинг манфаати учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади, яъни у барқарор қиймат яратиш мақсадида бошқарувни акциядорлар, ишчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартиб-қоидаларга асосан амалга оширади. Бошқарувчи Директорлар Кенгаши банк стратегиясини ишлаб чиқади, уни Кузатув кенгаши билан келишади ва унинг бажарилишини таъминлайди. Бошқарув қонуннинг барча қоидалари ва компаниянинг ички сиёсати бажарилишини

*1-жадвал*

**Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тизими**

| Асосий рағбатлантириш, € да | | Қўшимча рағбатлантириш, € да |
|---|---|---|
| Кенгаш раиси 240.000 | | Аудит ва Риск қўмиталари раиси 60,000 |
| Раис ўринбосари 160.000 | + | Аудит ва Риск қўмиталари аъзоси 30,000 |
| Кенгаш аъзоси 80.000 | | Бошқа барча қўмиталар раиси 40.000 |
| | | Бошқа барча қўмиталар аъзоси 20.000 |

***Манба:*** *https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/governance/corporate_governance_praesentation/202007_Commerzbank_Corporate_Governance_Website.pdf.*

таъминлайди ҳамда гуруҳ томонидан уларнинг бажарилишига эришиш учун ҳаракат қилади. Бошқарувчи Директорлар Кенгаши банк фаолиятидаги рискларни бошқариш ва уларнинг назорат қилинишини таъминлайди. Банк бўлинмалари раҳбарларини тайинлашда хилма-хиллик тамойили асосида фаолият юритади, хусусан, ушбу лавозимларга муносиб аёлларнинг номзодини кўриб чиқишга интилади.

Commerzbank AG Бошқарувчи директорлар кенгаши олти доимий аъзодан ва Бош ижрочи директор (CEO)дан иборат. Commerzbank AG Бошқарувчи директорлар кенгашининг 28 фоизи (2 киши) аёллардан иборат.

Бошқарувчи директорлар кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши аъзолари бўлишларига йўл қўйилмайди.

Барча немис компаниялари сингари, Commerzbank AG томонидан ҳар йили Германия корпоратив бошқарув кодекси ва Акциядорлик корпорацияси тўғрисидаги (Stock Corporation Act) қонуннинг 161-моддасига асосан корпоратив бошқарув бўйича комиссиянинг тавсиялари бажарилиши даражаси бўйича декларация тақдим этилади.

*2-жадвал*

**Кўрсаткичларнинг стационарлигини аниқлаш учун ўтказилган тест натижалари**

| Аъзолик даражаси | Белгиланган компенсация, € да | Ўзгарувчан компенсация, € да* | Жами |
|---|---|---|---|
| Кенгаш раиси (CEO) | 1 674 247,0 | 1 116 165,0 | 2 790 412,0 |
| Кенгаш доимий аъзолари | 990 000,0 | 660 000,0 | 1 650 000,0 |

** Кузатув кенгаши томонидан қўйилган мақсадга эришиш даражасига боғлиқ.*

***Манба:*** *https://www.commerzbank.de/media/aktionaere/governance/corporate_governance_praesentation/202007_Commerzbank_Corporate_Governance_Website.pdf.*

Commerzbank AG томонидан барча акциядорларнинг ахборотга нисбатан тенг муносабатлилиги таъминланади. Банк молиявий таҳлилчилар тақдим этган барча муҳим янги фактларни кечиктирмасдан акциядорларга ошкор қилади. Доимий ахборот сиёсатининг бир қисми сифатида банк ўзининг веб-сайтида «молиявий тақвим»да йиллик ҳисоботларни ва оралиқ молиявий маълумотларнинг нашр этилган саналарини, шунингдек йиллик умумий йиғилишлар кунларини эълон қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Инсайдер моделининг асосий мақсади барчанинг умумий манфаатларини тан олиш, компаниянинг доимий рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва узоқ муддат давомида компаниянинг «соғлом фаолиятини» таъминлашдан иборат.

Commerzbank AG корпоратив жавобгарлик принципини ҳимоя қилишга содиқдир. Ҳақиқий қадриятлар, мажбурий одоб-ахлоқ қоидалари ва ўз олдига қўйган қатъий меъёрлар бизнес учун асос бўлиб хизмат қилади. Кузатув кенгаши аъзоларининг 50 фоизи ходимлар орасидан сайланиши ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга миноритар акциядорлар ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олади. Commerzbank AG акцияларининг катта қисми давлат улушига тўғри келишига қарамасдан институционал инвесторларнинг банк акцияларига бўлган қизиқиши юқорилиги кўриниб турибди. Бунга асосий сабаб сифатида самарали корпоратив бошқарув тизимини кўрсатиш мумкин. Кузатув кенгаши таркибида манфаатлар тўқнашуви йўқлиги, рағбатлантириш тизими ва бизнес юритишдаги шаффофлик, кенгаш қошидаги қўмиталар таркиби мустақил ва профессионал мутахассислардан тузилиши банк фаолияти янада ривожланишига олиб келмоқда.



# АХБОРОТ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЕТАКЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Президентнинг қарорларига мувофиқ ахборот технологиялари ва коммуникациялари жорий этилишини назорат қилиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Киберхавфсизлик маркази томонидан республика миқёсида барча давлат ва хўжалик бошқаруви, махаллий давлат ҳокимият органларида ахборот ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати мониторинги йўлга қўйилган.**

Қуйида ахборот ва киберхавсизликнинг таъминланганлиги ҳолати бўйича юқори рейтингли (топ 10) ташкилотлар келтирилади (балл):




Киберхавфсизлик маркази Ўзбекистондаги барча 116 давлат ва хўжалик бошқаруви органлари маълумотларини кузатиб борди.

Адлия вазирлиги рейтингда етакчига айланди ва энг ҳимояланган агентлик деб топилди, ахборот даражаси ва киберхавфсизлик даражаси 94,7 баллни ташкил этди.

Иккинчи ўринни 94,4 балл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси 87 баллни олди, бу унга рейтингда олтинчи ўринни эгаллашга имкон берди.

Еттинчи ўринни 86,4 балл билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эгаллаган бўлса, саккизинчи ўриндан 86,2 балл олиб Давлат активларини бошқариш агентлиги жой олди.

Банклар орасида «Ипотека-банк» АТИБ энг яхши деб топилди ва умумий рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллаб, 85 баллни олди. Ўнта етакчини 83,4 балл тўплаган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ниҳоялади.

# ТУРОНБАНКДА «ИСЛОМ ДАРЧАСИ» ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ!







**Туронбанк Бошқаруви Раиси Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси раҳбари жаноб Айман Амин Сежиний билан шартнома имзолади, дея хабар берди «Туронбанк» АТБ матбуот хизмати.**

«Ислом дарчаси» қуйидагиларга имкон яратади:

- Туронбанк хизматлари доирасини кенгайтириш;
- Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни жадаллаштириш.

Ҳозирги кунда Туронбанк трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда ва бу ҳамкорлик аҳолига янги форматдаги банк хизматларини кўрсатиш йўлида яна бир муҳим қадамдир.

# ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот масалалари ҳар қандай давлатнинг ижтимоий сиёсатида энг долзарб масалалардан биридир. Айниқса, бугунги пандемия шароитида давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши янада муҳим аҳамият касб этмоқда.






Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида «Янги йилда иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади»[1], – дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Камбағалликни қисқартириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар давомида аҳолининг эҳтиёжманд қисми манзилли қўллаб-қувватланади, зарурий ижтимоий таъминот билан қамраб олинади.

2021 йилдан бошлаб вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилиши ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартибнинг бекор қилиниши[2] ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга эътибор қаратилаётганининг яққол мисолидир. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий ҳимояни ташкил қилишда ижтимоий суғурта тизимлари муҳим роль ўйнайди.

Ҳар бир мамлакатда фуқароларнинг ижтимоий суғуртаси ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихий йўлини босиб ўтди, аммо уларнинг ривожланиши учун қўйилган вазифалар ўхшаш бўлгани билан уларни ҳал қилиш усуллари ва ёндашувлари сезиларли даражада фарқ қилади. Ижтимоий суғурта давлат ижтимоий сиёсатининг асосий қисмидир. Мамлакатда ривожланган ижтимоий суғурта тизими фуқароларга самарали ҳимоя механизмларини тақдим этади ва шу билан биргаликда иқтисодий барқарорликни таъминлайди ҳамда жамиятда ижтимоий бирдамлик муҳитини яратади. Бугунги кунда бирбиридан тузилиши билан ҳам, молиялаштиришнинг турли усуллари билан ҳам фарқ қилувчи турли хил ижтимоий суғурта тизимлари мавжуд.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ» ҲАМДА БОШҚА ТЕГИШЛИ ҚОНУН ВА ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта муносабатлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси» ҳамда бошқа тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинади. Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг ўзлари бадал тўлайдилар. Агар иш берувчилар томонидан давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўланмаган бўлса, суғурта қилинган ходим давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди[3].

Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъми-



**Шахло Маҳкамова,**
Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти лойиҳа раҳбари



**Алишер Маманов,**
Биринчи тоифали мутахассис

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://president.uz/oz/lists/view/4057 (06.01.2021).*
[2] *Ўша ерда.*
[3] *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси https://lex.uz/docs/-142859#-145222 (06.01.2021).*

нот турларига қуйидагилар киради:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар учун эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлинганда, меҳнатда майиб бўлганда ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади.

Бола туғилганда бирйўла бериладиган нафақа тўланади. Ҳар бир туғилган бола учун бериладиган нафақанинг миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган миқдор ва тартибда дафн этиш маросими учун нафақа тўланади.

Ижтимоий суғурта тизими замонавий жамиятнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Белгиланган вазифаларнинг ўхшашлиги билан бир қаторда ҳар бир мамлакатда ижтимоий суғуртанинг ривожланиши ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди. Давлат ижтимоий сиёсатини мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя асосий 3та модель хусусиятларига мослаб қурилган: Бисмарк (континентал, консерватив), Бевериж (англо-саксон, либерал) модели ва хусусий-корпоратив (аралаш, скандинавия) модели.

Бисмарк модели ижтимоий суғурта механизмига асосланган бўлиб, у меҳнат қобилияти йўқолиши билан суғурталанувчиларга тўлиқ ёки қисман компенсация берилади. Ижтимоий таъминот бюджет бадаллари, ишчи ва иш берувчининг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади. Германия, Франция, Австрия каби мамлакатлар ушбу модель асосида иш олиб боришади. Ижтимоий суғуртанинг Бисмарк модели афзаллиги иш стажига ва даромад миқдорига қараб ижтимоий нафақаларнинг ўсиши ва бу орқали фуқароларнинг меҳнат фаолияти рағбатлантирилишидан иборат. Бўш маблағларни қўшимча равишда ижтимоий суғурта фондларига жалб қилиш орқали ижтимоий тўловлар миқдорини кўпайтириш мумкин. Ушбу моделдан фойдаланишда ижтимоий харажатларни давлат томонидан молиялаштиришнинг қолдиқ тамойилига амал

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АСОСИЙ 3та МОДЕЛЬ ХУСУСИЯТЛАРИГА МОСЛАБ ҚУРИЛГАН: БИСМАРК (КОНТИНЕНТАЛ, КОНСЕРВАТИВ), БЕВЕРИЖ (АНГЛО-САКСОН, ЛИБЕРАЛ) МОДЕЛИ ВА ХУСУСИЙ-КОРПОРАТИВ (АРАЛАШ, СКАНДИНАВИЯ) МОДЕЛИ.**






**ҲОЗИРГИ КУНДА ГЕРМАНИЯДА ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАНИНГ 4та ТУРИ АМАЛ ҚИЛАДИ: ПЕНСИЯ СУҒУРТАСИ, МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА, ИШСИЗЛИК СУҒУРТАСИ, БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА.**

қилинади. Бисмарк моделининг камчилиги унинг ишчилар сони ва ижтимоий суғурта тўловлари миқдорига боғлиқлигидадир. Ишчилар сонининг камайиши билан ижтимоий тўловлар даражаси пасаяди ёки ижтимоий ажратмалар миқдори ошади.

Континентал модель қуйидаги уч асосий хусусиятдан иборат:

① Ушбу модель инсоннинг касбий фаолияти давомийлиги ва ижтимоий таъминот даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни тавсифлайди.

② Асосий тамойил сифатида бозор ва давлат назорати остида ижтимоий суғурта тамойилига эътибор қаратилади.

③ Жамоат ташкилотлари ва хайрия фондлари фуқароларнинг ижтимоий таъминотида жуда фаол ҳисобланади.

Германия континентал моделнинг барча тамойилларини амалиётга тўлиқ жорий эта олгани билан ажралиб туради. Мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий роль ўйнаган канцлер Отто фон Бисмарк бу давлатда суғурта қонунчилигининг асосчиларидан бўлиб ҳисобланади. У биринчи бўлиб мамлакат аҳолисига маълум ижтимоий кафолатлар берадиган бир қатор қонунларни қабул қилди. Улардан асосийлари Саноат ходимларининг касаллигини суғурта қилиш тўғрисидаги қонун (1884), Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисидаги қонун (1885) ҳамда Ногиронлик ва қариликни суғурталаш тўғрисидаги қонун (1891). Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу қонунлар орқали шахснинг ўз мустақиллиги, жамоатчиликнинг қўллаб-қувватланиши ва ҳукуматнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уч томон ўртасида ўзаро манфаатли келишувлар юзага келишига сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда Германияда ижтимоий суғуртанинг 4та тури амал қилади[4]: пенсия суғуртаси, мажбурий тиббий суғурта, ишсизлик суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурта. Ижтимоий таъминот тизими, шунингдек, болаларга нафақа (бола туғилганда бир марталик тўловлар, кам таъминланган оилаларга ва кўп болали оилаларга дотациялар), қочқинларга ёрдам, таълим учун нафақалар, даволаниш учун нафақалар, пенсия субсидиялари, уруш қурбонларига, ногиронларга ёрдам, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам шаклида ажратилган давлат маблағларини қамраб олади. Германия суғурта тизимида биринчи ўринда меҳнатга лаёқатли аҳоли учун яхши ва мос иқтисодий шароитлар яратишга урғу берилади. Ижтимоий сиёсатнинг ушбу шакли муваффақиятли бўлди, лекин унда муҳим бир камчилик мавжуд бўлиб, давлат бюджети харажатларининг асосий қисми ижтимоий ҳимояга сарфланади. Ушбу харажатларни қоплаш учун ишлаётганлардан олинади-

**ГЕРМАНИЯ БИРИНЧИ БЎЛИБ МАМЛАКАТ АҲОЛИСИГА МАЪЛУМ ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР БЕРАДИГАН БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. УЛАРДАН АСОСИЙЛАРИ САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСАЛЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН (1884), ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН (1885) ҲАМДА НОГИРОНЛИК ВА ҚАРИЛИКНИ СУҒУРТАЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН (1891).**

[4] *https://www.sozialgesetzbuch-sgb.de/sgbi/4.html (10.12.2020).*



**БУЮК БРИТАНИЯДА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИДА ИККИТА ТАРМОҚ МАВЖУД: А) МИЛЛИЙ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА, УНГА ПЕНСИЯ СУҒУРТАСИ ДАСТУРЛАРИ, НОГИРОНЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ, ОНАЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, КАСАЛЛИК УЧУН НАФАҚАЛАР; Б) МАМЛАКАТ РЕЗИДЕНТЛАРИГА, ШУНИНГДЕК АНГЛИЯДА УЗОҚ ВАҚТ ЯШАГАН ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИГАН МИЛЛИЙ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ.**

ган солиқларни доимий равишда оширишга тўғри келмоқда. Солиқларнинг кўплиги туфайли одамлар ишлаш учун рағбатни йўқотадилар, чунки барча ажратмалардан сўнг ходим ҳам деярли ишга яроқсиз одам оладиган ижтимоий ҳимоя маблағига тенг маблағ ишлаб топади. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун ҳозирги вақтда сиёсий жиҳатдан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқдаки, улардан асосийси сифатида ижтимоий ёрдам олувчиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш ташкил этилаётганини айтиб ўтиш мумкин.

Давлатнинг ижтимоий таъминлаш англо-саксон (либерал) модели юқорида тавсифланган континентал моделдан сезиларли даражада фарқ қилади. Ушбу модель асосчиси 1941-1942 йилларда Буюк Британияда ижтимоий суғурта ислоҳотлари бўйича ишчи гуруҳни бошқарган инглиз иқтисодчиси Уильям Бевериж ҳисобланади. Бевериж ижтимоий суғурта тизимига бадалларнинг ягона миқдорини ва ижтимоий таъминотнинг ҳар хил турлари учун тўловларнинг бир хил миқдорини белгилашни таклиф қилди. Олинган бадаллар ва тўловлар миқдори олувчининг ижтимоий суғурта тизимидаги иштироки ва у томонидан ўтказилган бадаллар миқдоридан қатъи назар, маълум бир гуруҳга мансублиги асосида белгиланди. Яшаш минимумини белгилаш таклиф қилинди, агар фуқаро ўзини яшаш минимуми билан таъминлай олмайдиган бўлса, давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Ўша даврдаги аксарият мутахассисларнинг фикрига кўра, Бевериж модели урушдан кейин иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни тиклашга, меҳнат унумдорлигини ва умуман иқтисодиётни тиклаш учун шароит яратишга, бундан ташқари, объектив сабабларга кўра (ҳомиладорлик, ногиронлик ва ҳоказо) суғурта бадалларини тўлай олмаганлар учун ижтимоий таъминот олиш имкониятини сақлаб қолишга имкон берди. Бевериж модели долзарблиги сабабли мамлакат ташқарисида ҳам фаол қўллаб-қувватланди. Бу моделнинг амалиётга муваффақиятли татбиғини АҚШ, Франция, Япония, Швейцария каби мамлакатларда кўриш мумкин.

Англо-саксон моделининг баъзи бир асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- ижтимоий хизматлар «умумийлик» тамойилига асосланади ва нафақалар бир хил миқдорда берилади (ҳамма суғурта бадали тўлаганларга тенг миқдордаги нафақа);
- ҳукумат фақат аҳоли даромадларининг минимал миқдорини сақлаш ва заиф қатламлар фаровонлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу орқали ижтимоий соҳада минимал иштирок этади;
- ушбу модель аниқ суғурта дастурлари учун алоҳида суғурта мукофотларини ҳисобга олмайди. Ягона ижтимоий тўловлар ёрдамида даромадлар йиғилади ва маълум ижтимоий таъминот соҳасининг зарур эҳтиёжларига тақсимланади;
- биринчи навбатда давлат бюджети эмас, балки хусусий суғурта бадаллари ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг молиявий асоси бўлиб ҳисобланади.

Буюк Британияда замонавий ижтимоий суғурта тизимида иккита тармоқ мавжуд: а) миллий ижтимоий суғурта, унга пенсия суғуртаси дастурлари, ногиронларни суғурталаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, оналикни қўллаб-қувватлаш, касаллик учун нафақалар; б) мамлакат резидентларига, шунингдек Англияда узоқ вақт яшаган чет элликларга тиббий хизмат кўрсатадиган миллий соғлиқни сақлаш тизими.

Дастлаб АҚШда ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонун 1935 йил 14 августда қабул қилинган эди[5]. Вақт ўтиши билан ушбу қонун ижтимоий суғуртанинг янги қоидалари билан тўлдирилди ва қўшимчалар қилинди. Қўшма Штатларда ягона, умуммиллий, марказлашган ижтимоий таъминот тизими мавжуд эмас. У федерал қонун ёки штат қонуни билан тартибга солинадиган ҳар хил дастурлардан ташкил топган. Америка Қўшма Штатларидаги давлат ижтимоий таъминоти тизими аниқ икки соҳага бўлинади: ижтимоий суғурта (тўловлар ишчилардан олинадиган ижтимоий суғурта бадалларидан ҳосил бўлган суғурта маблағлари ҳисобидан амалга оширилади) ва ижтимоий ёрдам (тўловлар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бу федерал ёки штат бюджети бўлиши мумкин). Шунингдек, бугунги кунда АҚШда тиббий суғуртадан ташқари ижтимоий суғурта тизими ҳам анча ривожланган бўлиб, ижтимоий суғурта орқали ишсизлик, меҳнат қобилиятини йўқотганлик, боқувчисини йўқотганлик, қарилик каби суғурта ҳодисалари суғурта қилинади[6].

Тизимнинг ташкил қилинишига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар бир фуқаро ижтимоий суғурталаниш ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи муҳим ҳужжат – «Social security number»га эга. Шунингдек, у фуқароларнинг ҳисоб карточкаси бўлиб хизмат қилади. Суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтда нафақа миқдори иш стажига, даромадга ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Шу билан бирга суғурта билан боғлиқ бўлмаган камбағалларга, етим ва бошқа эҳтиёжмандларга давлат томонидан тўланадиган ижтимоий таъминот маблағлари (масалан, айрим тоифаларга мактабда бепул овқатланиш, уй-жой ва бошқалар берилади) алоҳида ҳисобланади.

**Боқувчисини йўқотганлиги бўйича ижтимоий суғурта.** Боқувчисини йўқотиш билан боғлиқ суғурта ҳодисаси юз берганда, агар вафот этган шахс суғурта қилинган бўлиб, унинг асосий иш фаолиятидан келаётган даромади орқали оиласи

**БУГУНГИ КУНДА АҚШда ТИББИЙ СУҒУРТАДАН ТАШҚАРИ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ ҲАМ АНЧА РИВОЖЛАНГАН БЎЛИБ, ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА ОРҚАЛИ ИШСИЗЛИК, МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК, БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК, ҚАРИЛИК КАБИ СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ СУҒУРТА ҚИЛИНАДИ.**

**АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДАГИ ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ АНИҚ ИККИ СОҲАГА БЎЛИНАДИ: ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА (ТЎЛОВЛАР ИШЧИЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА БАДАЛЛАРИДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН СУҒУРТА МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ) ВА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ (ТЎЛОВЛАР БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ, БУ ФЕДЕРАЛ ЁКИ ШТАТ БЮДЖЕТИ БЎЛИШИ МУМКИН).**




[5] https://moluch.ru/archive/93/20230 (16.12.2020)

[6] *Система социального страхования в США. https://visasam.ru/emigration/canadausa/strahovanie-v-ssha.html#i-7 (09.11.2020).*

таъминланаётган бўлса, оила асосий даромад манбаини йўқотган ҳисобланади ва қўшимча моддий ёрдамга муҳтож бўлган тақдирда нафақа марҳумнинг оила аъзолари (одатда турмуш ўртоғи)га тўланади.

**Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ижтимоий суғурта.** Бунда ишлаётган ходимнинг бажараётган меҳнатига боғлиқ бўлмаган равишда вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиши натижасида суғурта ҳодисаси юз беради. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш учун ходимнинг беш йиллик иш стажи ва иш берувчи томонидан белгиланган суғурта бадалларининг тўлови талаб қилинади.

**Ишсизлик нафақаси бўйича суғурта.** Бунда суғурта бадаллари йиллик даромаднинг 6,2 фоизини ташкил қилади, лекин бу рақамни корректировка қилишда штатлар томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Умумий қоида бўйича, улар иш берувчилар томонидан тўланади. Ушбу бадалларни тўлаш суғурталанган шахсларга ишсизлик ҳолатида, тегишли нафақаларни тўлашда кафолат бериш имкониятини яратади.

Швеция, Дания, Норвегия сингари шимолий мамлакатларда давлат ижтимоий сиёсатининг скандинавия моделидан фойдаланилади. Бугунги кунда айнан замонавий, етук ва ривожланган ижтимоий тизимга эга давлат сифатида айнан скандинавия моделидан фойдаланган мамлакатлар мисол қилиб кўрсатилади. Бу модель ўзида бисмарк ва беверидж моделларининг элементларини жамлайди. Ушбу модель қуйидаги хусусиятларга эга:

- ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларни амалга оширишда етакчи роль мамлакат ҳукуматига тегишли бўлиб, барча ижтимоий дастурлар давлат бюджетидан молиялаштирилади;
- ҳукумат ишсизликка қарши фаол кураш олиб боради, унинг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда;
| № | Давлат | Аудиторлик профессионал жамоат бирлашмаларининг турлари | Профессионал жамоат бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат номи ва у расмий қабул қилинган сана | Ўзбекистон профессионал жамоат бирлашмаларидан фарқли фаолият йўналишлари |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Россия | 1. Россия аудиторлар палатаси[1].<br>2. Россия профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар институти[2].<br>3. Россия аудиторлар кенгаши[3] | 1. Россия Федерацияси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Россия Федерацияси «Ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни.<br>3. Россия молия вазирлигининг 2009 йил 1 октябрдаги буйруғи.<br>4. Профессионал жамоат бирлашмаларининг Устави. | Россия аудиторлар палатаси ҳамда Россия профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар институтига аудиторларни аттестациядан ўтказиш, аудитор, хусусий аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг иш сифати назоратини амалга ошириш ҳамда уларни лицензиялаш ваколати берилган. |
| 2 | Озарбайжон | 1. Озарбайжон аудиторлар палатаси[4].<br>2. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси. | 1. Озарбайжон Республикаси «Аудиторлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. 1995 йил 19 сентябрдаги «Озарбайжон аудиторлар палатаси тўғрисида»ги Низом.<br>3. Озарбайжон Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.<br>4. Жамоат бирлашмалари устави. | Озарбайжон аудиторлар палатасига аудиторларни атестациядан ўтказиш, аудитор, хусусий аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг иш сифати назоратини амалга ошириш ҳамда уларни лицензиялаш ваколати берилган |
| 3 | Украина | 1. Украина сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси[5].<br>2. Украина аудиторлар палатаси[6]. | 1. Украина Республикаси «Молиявий ҳисобот аудити ва аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Украина Республикаси «Жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Украина сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясининг 2004 йил 12 ноябрдаги устави. | Украина аудиторлар палатасига аудиторларни аттестациядан ўтказиш, аудитор, хусусий аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари хизматлари сифатини назорат қилиш ҳамда уларни лицензиялаш ваколати берилган |
| 4 | Қозоғистон | 1. Қозоғистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси[7].<br>2. Қозоғистон аудиторлар палатаси[8]. | 1. Қозоғистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Қозоғистон Республикаси «Ўз-ўзини бошқариш тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Жамоат бирлашмалари устави. | Қозоғистон аудиторлар палатасига аудиторларни аттестациядан ўтказиш, аудитор, хусусий аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари хизматлари сифатини назорат қилиш ҳамда уларни лицензиялаш ваколати берилган |
| 5 | Беларусь Республикаси | 1. Беларусь Республикаси профессионал аудиторлар ассоциацияси[9].<br>2. Беларусь Республикаси аудиторлар палатаси[10].<br>3. Беларусь Республикаси бухгалтерлар ассоциацияси[11]. | 1. Беларусь Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Беларусь Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Беларусь Республикаси профессионал аудиторлар ассоциациясининг 2004 йил 16 февралдаги Устави.<br>4. Беларусь Республикаси аудиторлар палатасининг 2019 йил 5 ноябрдаги Устави.<br>5. Беларусь Республикаси бухгалтерлар ассоциациясининг 1991 йил 28 ноябрдаги Устави. | Беларусь Республикаси аудиторлар палатасига аудиторларни аттестациядан ўтказиш, аудитор ва аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ташқи сифат назоратини амалга ошириш ва уларни лицензиялаш ҳуқуқи берилган |
| 6 | Молдова | Молдова Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси[12] | 1. Молдова Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Молдова Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Молдова Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясининг 2009 йил 30 ноябрдаги Устави. | Республикада фақатгина битта профессионал жамоат бирлашмаси фаолият кўрсатади |

бирлашмаларига аудиторларни аттестациядан ўтказиш, аудитор, хусусий аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари хизматлари сифатини назорат қилиш ҳамда улар фаолиятини лицензиялаш (сертификатлаш) каби ваколатлар берилганлиги ушбу давлатларда аудиторлик фаолиятининг ривожланишида муҳим роль ўйнаганлигини эътироф этиш жоиздир.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Россия, Озарбайжон ва Қозоғистон республикаларининг аудиторлик профессионал жамоат бирлашмалари томонидан аудиторлик фаолиятида эркинлик, шаффофлик ҳамда ўзаро тенглик ва манфаатдорликни тўлиқ таъминлаш мақсадида ўз фаолияти натижаларининг даврий матбуот нашрлари, интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилиши, Қозоғистон аудиторлар палатаси томонидан «Финансы Казахстана» ҳамда Озарбайжон аудиторлар палатаси томонидан эса «Экономика и аудит» номли жаҳонга машҳур илмий-амалий журналлар таъсис этилганлиги, мазкур давлатлар профессионал жамоат бирлашмалари томонидан аудитни такомиллаштиришда илғор хориж тажрибаси ва аудитнинг халқаро стандартларини миллий амалиётга жорий этишда қўлланилган тартибларни Ўзбекистон амалиётига ҳам кенг жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

*3-жадвал (давоми)*

**МДҲ давлатларида аудиторлик профессионал жамоат бирлашмалари фаолиятининг ташкил этилиши**

| № | Давлат | Аудиторлик профессионал жамоат бирлашмаларининг турлари | Профессионал жамоат бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат номи ва у расмий қабул қилинган сана | Ўзбекистон профессионал жамоат бирлашмаларидан фарқли фаолият йўналишлари |
|---|---|---|---|---|
| 7 | Қирғизистон | 1. Қирғизистон бухгалтер ва аудиторлар палатаси[13].<br>2. Қирғизистон Республикаси аудиторлар гильдияси ассоциацияси.<br>3. Қирғизистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар институти. | 1. Қирғизистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Қирғизистон Республикаси «Профессионал иттифоқлар тўғрисида»ги қонуни.<br>3. Қирғизистон бухгалтерлар ва аудиторлар палатасининг 2001 йил 24 августдаги Устави.<br>4. Қирғизистон Республикаси аудиторлар гильдияси ассоциациясининг 2014 йил 6 июндаги устави. | |
| 8 | Тожикистон | 1.Тожикистон аудиторлар иттифоқи.<br>2. Тожикистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси. | 1. Тожикистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Тожикистон Республикаси «Профессионал иттифоқлар тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Тожикистон аудиторлар иттифоқининг 2007 йил 10 ноябрдаги Устави.<br>4. Тожикистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясининг 2016 йил 19 сентябрдаги устави. | |
| 9 | Туркманистон | Туркманистон Республикаси профессионал бухгалтерлар уюшмаси[14]. | 1. Туркманистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Туркманистон Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Туркманистон Республикаси профессионал бухгалтерлар уюшмасининг 2004 йил 16 февралдаги Устави. | Республикада фақатгина битта профессионал жамоат бирлашмаси фаолият кўрсатади |
| 10 | Ўзбекистон | 1. Ўзбекистон аудиторлар палатаси.<br>2. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси. | 1. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.<br>2. Ўзбекистон Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни.<br>3. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 1992 йил 17 январдаги Устави.<br>Ўзбекистон аудиторлар палатасининг 2000 йил 1 январдаги Устави. | |

*[1] https://sroapr.ru интернет сайти маълумотлари.*
*[2] https://www.ipbr.org интернет сайти маълумотлари.*
*[3] http://www.rkanp.ru интернет сайти маълумотлари.*
*[4] http://www.audit.gov.az интернет сайти маълумотлари.*
*[5] https://www.uacaa.org интернет сайти маълумотлари.*
*[6] https://www.apu.com.ua интернет сайти маълумотлари.*
*[7] https://www.apba.kz интернет сайти маълумотлари.*
*[8] https://www.audit.kz интернет сайти маълумотлари.*
*[9] https://audit-apa.by интернет сайти маълумотлари.*
*[10] https://audit-ap.by интернет сайти маълумотлари.*
*[11] http://profbuh.by интернет сайти маълумотлари.*
*[12] https://www.acap.md/ru интернет сайти маълумотлари.*
*[13] http://www.pba.kg интернет сайти маълумотлари.*
*[14] https://ngo-turkmenistan.org. интернет сайти маълумотлари.*
***Манба:** муаллиф томонидан тайёрланган.*

**МДҲ ДАВЛАТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ПРОФЕССИОНАЛ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИ, УЛАРНИНГ СОНИ, ТАШКИЛ ТОПИШ ДАВРИ ҲАМДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ ЎЗАРО БИР-БИРИГА ЎХШАШ ЁКИ МАЗМУНАН ЯҚИН.**

Шунингдек, юқоридаги таҳлиллар МДҲнинг Тожикистон, Қирғизистон ва айниқса Туркманистон каби давлатларида аудиторлик фаолиятининг жамоат бирлашмалари фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими ҳамда унинг амалий натижалари бошқа МДҲ давлатларига нисбатан халқаро стандартлар ва илғор хориж тажрибаси талаблари даражасида ташкил этилмаганлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Россия, Беларусь Республикаси ва Озарбайжон каби давлатларда аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг профессионал жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолиги қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса мазкур давлатларда фаолият кўрсатувчи аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, уларни қайта тайёрлаш ва мунтазам равишда малакаси оширилишини таъминлаш, улар иш сифатини назорат қилиш ҳамда энг сўнгги зарур ахборотлар билан мунтазам таъминлаш имконини берган. Фикримизча, Ўзбекистон аудиторлик амалиётида ҳам аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг профессионал жамоат бирлашмаларига мажбурий аъзолигини таъминлаш бўйича амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

*4-жадвал*

**Ўзбекистон аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш масалалари**

| № | Мавжуд муаммонинг мазмуни | Муаммони ҳал этиш йўллари |
|---|---|---|
| 1 | Амалдаги 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун мазмунан эскирганлиги сабабли, қонуннинг халқаро стандартлар ҳамда илғор хориж тажрибаси талаблари ва мезонларига тўлиқ мос келмаслиги | Янги замонавий мезон ҳамда талабларга мос келувчи янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш |
| 2 | Амалдаги аудитга оид меъёрий ҳужжатларда аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишда профессионал жамоат бирлашмаларининг роли, ҳуқуқлари, ваколатларининг чекланганлиги, уларнинг умумий ва мавҳум мазмунда белгиланганлиги ҳамда улар мажбуриятларининг аниқлаштирилмаганлиги | Аудиторлик фаолияти бўйича илғор хориж тажрибаси ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари талабларини чуқур ўрганган ҳолда молия вазирлиги томонидан аудиторлик профессионал жамоат бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи такомиллашган меъёрий ҳужжат ёки «Аудиторлик профессионал жамоат бирлашмалари тўғрисида» янги Низом ишлаб чиқиш ҳамда унинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш |
| 3 | Давлатнинг қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи органлари томонидан тасдиқланган аудиторлик касбининг ахлоқий меъёрларини тартибга солувчи расмий меъёрий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги | Амалдаги Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан 2005 йил 26 августда қабул қилинган, тавсия характеридаги «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодекси»ни Америка қасамёд қилган бухгалтерлар институти (АИСПА)нинг «Касбий этика асослари» номли концепцияси талабларига мувофиқ такомиллашган, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодекси»ни ишлаб чиқиш зарур |
| 4 | Амалда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларда ички стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича малака ва кўникманинг етарли эмаслиги | Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан намунавий шакл ва мазмундаги ички стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш |
| 5 | Амалдаги аудитга оид меъёрий ҳужжатларда хорижий аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш қоидалари халқаро меъёрлар даражасида аниқ белгиланмаганлиги | Хорижий аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тартибга солишда аудитнинг халқаро стандартлари ва илғор хориж давлатлари қонунчилиги талабларини чуқур ўрганган ҳолда амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш |
| 6 | Амалдаги аудитга оид меъёрий ҳужжатларда аудитнинг халқаро стандартларини амалиётда қўллаш бўйича услубий мезон (тартиб)ларнинг аниқлаштирилмаганлиги | Молия вазирлиги ёки аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан аудитнинг халқаро стандартларини амалиётда қўллаш бўйича услубий қўлланмалар ёки кўрсатмалар ишлаб чиқиш |

**МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ОРАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН, БЕЛАРУСЬ, ОЗАРБАЙЖОН ВА РОССИЯ ДАВЛАТЛАРИНИНГ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИНИНГ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ДАВРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ МУНТАЗАМ РАВИШДА КЕНГ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ОММАСИГА ЕТКАЗИБ БОРИЛМОҚДА.**

Бизнингча, юқоридаги 4-жадвалда келтирилган Ўзбекистон аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимидаги ҳал этилиши зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий масалалар ва уларни бартараф этиш юзасидан берилган тавсияларнинг амалга оширилиши республикамизда мазкур фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон аудит бозори таҳлили натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда молия вазирлиги маълумотларига кўра Ўзбекистонда 2021 йил 1 январь ҳолатига 99та аудиторлик ташкилотида 572 нафар малакали аудитор фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 2019 йилда 5467та хўжалик субъектида аудиторлик текширувлари ўтказилиб, 2019 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида аудиторлик хизматларининг улуши 0,025 фоизни ташкил этган (2020 йил расмий маълумотлари ҳали эълон қилинмаган). Ўз навбатида бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг Россия, Қозоғистон ва Озарбайжон каби МДҲ давлатлари кўрсаткичларидан сезиларли даражада ортда қолаётганлигини кўрсатади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, МДҲ давлатлари орасида аудиторлик фаолияти маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон, Беларусь, Озарбайжон ва Россия давлатларининг молия вазирлиги ҳамда аудиторлар палатасининг расмий веб-сайтларида аудиторлик хизматлари бозорининг даврий кўрсаткич-

*4-жадвал (давоми)*

**Ўзбекистон аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш масалалари**

| № | Мавжуд муаммонинг мазмуни | Муаммони ҳал этиш йўллари |
|---|---|---|
| 7 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида аудитнинг халқаро стандартларини амалиётда тўлиқ қўллашга ўтиш зарурлиги белгиланган бўлса-да, амалда ҳанузгача миллий аудиторлик стандартларидан фойдаланилаётганлиги ёки амалдаги меъёрий ҳужжатларда улардан фойдаланиш бўйича қатъий талаблар белгиланмаганлиги | Вазирлар Маҳкамаси ёки Республика молия вазирлиги томонидан аудитнинг миллий стандартларини амалда қўллашни чеклаш ҳамда аудитнинг халқаро стандартларини амалда тўлиқ қўллаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларга зарурий қўшимча ва ўзгартишлар киритиш |
| 8 | Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомни ички аудитнинг халқаро стандартлари ва илғор хориж тажрибаси талабларига мувофиқлаштириш заруратининг кучайганлиги | Республикамизда ҳам ички аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Жаҳондаги 170 га яқин давлатни ўз аъзолигига қабул қилган «Ички аудиторлар институти»га Ўзбекистоннинг аъзолигини таъминлаш, «Ички аудиторлар институти» томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг профессионал халқаро стандартлари Ўзбекистон амалиётига кенг жорий этилишини таъминлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.<br>Шунингдек, бугунги кунда МДҲнинг Озарбайжон ва Қирғизистон каби давлатларида «Ички аудит тўғрисида»ги, Тожикистон Республикасида «Давлат сектори ташкилотларида ички аудит тўғрисида»ги ҳамда Молдовада эса «Давлат молиявий ички назорати» тўғрисида»ги махсус Қонунлар самарали амал қилмоқда. Фикримизча, республикамизда ҳам юқоридаги давлатлар каби «Ички аудит тўғрисида»ги махсус Қонунни ишлаб чиқиш ёки амалдаги «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомни ички аудитнинг халқаро стандартлари ва илғор хориж тажрибаси талабларига мувофиқ қайта таҳрирда қабул қилиш зарур |
| 9 | Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда аудитга оид бошқа қонуности ҳужжатларида аудиторлик ташкилоти жавобгарлигини суғурталаш жараёни аудитнинг халқаро стандартлари ва илғор хориж тажрибаси талаблари даражасида етарлича аниқлаштирилмаганлиги | Ҳозирги пайтда Озарбайжон ва Қозоғистон каби МДҲ давлатларида «Аудиторнинг профессионал жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги махсус Қонун амал қилмоқда. Фикримизча, бизнинг аудиторлик қонунчилигимизда ҳам юқоридаги давлатлар каби «Аудиторнинг профессионал жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги махсус Қонунни ишлаб чиқиш ёки амалдаги суғурталаш тизими ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга халқаро меъёрларга мос келувчи тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ |
| 10 | Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларида якка тартибдаги хусусий аудиторлар фаолияти ҳуқуқий асосларини белгиловчи меъёрларнинг мавжуд эмаслиги | Ҳозирда жаҳон аудиторлик амалиётида, жумладан, МДҲнинг Озарбайжон, Беларусь, Қирғизистон, Молдова, Россия ва Тожикистон республикаларида якка тартибдаги хусусий аудиторлар фаолияти учун меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан кенг имкониятлар яратилган бўлиб, улар фаолияти йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларига якка тартибдаги хусусий аудиторлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгиловчи мезонлар киритилиши ва улар фаолиятига асос солиниши мақсадга мувофиқ |

**Манба:** *муаллиф томонидан тайёрланган.*

лари мунтазам равишда кенг фойдаланувчилар оммасига етказиб борилмоқда. Бу борада МДҲнинг Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Молдова каби давлатларида аудиторлик хизматлари бозори кўрсаткичлари ҳақида даврий маълумотларни оператив равишда олишда бошқа давлатларга нисбатан чекланган имкониятлар мавжудлиги маълум бўлди.

Юқоридагилар билан биргаликда, таҳлиллар натижасида Ўзбекистон аудиторлик ташкилотларининг аксарияти ўз фаолиятида бугунги рақамли технологиялар ёки автоматлаштирилган дастурлардан етарлича фойдаланмаётганлигини таъкидлаш жоиздир. Жумладан, республика Молия вазирлигининг аудиторлик ташкилотлари 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича реестридаги фаолият кўрсатаётган 99та аудиторлик ташкилотидан 29тасининг расмий веб-сайтлари мавжуд бўлиб, қолган 70та аудиторлик ташкилотларида жаҳон ахборот тармоғи ёки ижтимоий тармоқлар хизматларидан ҳамда аудитнинг илғор автоматлашган дастурий таъминотларидан амалда фойдаланилмаётганлигини ижобий ҳолат деб бўлмайди. Бизнингча, аудиторлик ташкилотлари бугунги куннинг муҳим талабларидан саналган юқоридаги жиҳатларга жиддий эътибор қаратишлари ва бу борада Ўзбекистон аудиторлик профессионал жамоат бирлашмалари томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон ва МДҲ давлатлари аудиторлик фаолиятининг қиёсий таҳлили натижалари ҳамда ривожланган МДҲ давлатлари илғор тажрибасини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Биринчидан, Ўзбекистон аудиторлик фаолиятида ҳам ривожланган МДҲ давлатлари каби хусусий аудиторлик амалиётини жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса ривожланган давлатларнинг аудиторлик фаолияти бўйича илғор тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарур;

Иккинчидан, Ўзбекистон аудиторлик фаолиятида Россия, Озарбайжон ва Қозоғистон давлатларидаги каби ички аудиторлик фаолиятини ҳамда аудитор ва аудиторлик ташкилотлари жавобгарлигини мажбурий суғурталашни махсус қонун орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида, буни таъминлаш мақсадида аудиторлик амалиёти ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тизимини чуқур таҳлил этган ҳолда «Аудиторлик ташкилотларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Ички аудит тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга кенг жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз;

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ)ГА ҲАМ АУДИТОРЛИК АМАЛИЁТИ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДАГИ КАБИ АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА КЕНГ МИҚЁСДАГИ ВАКОЛАТ ВА ҲУҚУҚЛАР БЕРИЛИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ.**

Учинчидан, изланишлар натижасида, ҳозирги пайтда Россия ва ривожланган Европа давлатлари аудиторлик амалиётида AuditNET, ITAUDIT: Аудитор, AUDIT XP «Комплекс Аудит» ва «Экспресс аудит: ПРОФ» сингари энг профессионал дастурий таъминотлар орқали қисқа муддат ва тартиблар асосида текширувлар сифатли ўтказилишига эришилганлиги аниқланди. Бу борада Ўзбекистон амалиётида фаолият кўрсатувчи барча аудиторлик ташкилотлари фаолиятида юқоридаги дастурлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;

Тўртинчидан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи аудиторлик ташкилотларининг профессионал жамоат бирлашмалари (Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси)га ҳам аудиторлик амалиёти ривожланган давлатлардаги каби аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича кенг миқёсдаги ваколат ва ҳуқуқлар берилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

# ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хабарига кўра, 2020 йилда республикамизга келиб тушган халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 6,03 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 17 млн. АҚШ долларига ёки 0,3% фоизга ошди.**

Чет элга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари миқдори 1,20 млрд. АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 157 млн. АҚШ долларига ёки 15 фоизга ошди. Натижада халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари бўйича ижобий сальдо 4,83 млрд. долларга етди.




# ID-КАРТА ЁКИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ ЁРДАМИДА БАНК ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори 2021 йил 26 январда 3285-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**



Ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган 7та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унда фуқаролар паспорти билан бир қаторда идентификация ID-картаси ёки миллий ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланган ҳолда банк хизматларидан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6065-сонли Фармонига асосан 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини бериш тизими жорий этилган.

Шу билан бирга, 2017 йил 19 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 389-сонли қарорининг 6-бандига асосан янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига шахсни тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилган мазкур ўзгартиришлар банк ва мижоз ўртасида шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини тақдим этиш билан боғлиқ тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади, дея хабар берди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

# ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



**Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш маълумотлар тўғри акс эттирилиши ҳамда келгуси даврлар учун оқилона қарорлар қабул қилинишига боғлиқдир. Чунки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тўғри юритиш, амалдаги тизим бошқарувини ижобий ҳал этишда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда илғор хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни миллий бухгалтерия тизимига кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, қарзлар бўйича харажатлар ҳисобини МҲХС бўйича юритиб бориш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.**

Хорижлик ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан харажатлар ҳисобининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишлари асосан иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларига оид хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини ташкил қилишга бағишланган бўлиб, уларда мавжуд муммоларни бартараф этишга қаратилгандир.

Ўзбекистонлик олим А.Ж.Туйчиев[1] ўзининг илмий ишланмаларида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан, лекин мажбуриятлар, қарзлар бўйича харажатлар вужудга келишининг МҲХС бўйича назарий-услубий жиҳатлари кўриб чиқилмаган.

Ўзбекистонлик олим, проф. Р.О.Холбеков донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари мисолида илмий тадқиқот ишла-

1 *Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Диссертация. – Т.: ФАН, 2011, 10-20-б. diss.natlib.uz*




**Абдураҳим Тўраев,**
и.ф.д., Тошкент молия институти «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси профессори



**Аброрбек Козимжонов,**
«Uzauto Motors» АЖ ҳисобчиси

рини олиб борган, лекин кўпроқ тармоқда харажатлар ҳисобини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиққан[2]. Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, акциядорлик жамиятларида донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари мисолида қарзлар бўйича харажатлар ва уларнинг услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий ишланмалар тадқиқ этилмаган.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ҚЎМИТАСИ (IASC) – БУТУН ДУНЁДАГИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СОҲАСИ ФАОЛИЯТИ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ АЪЗОЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН, ҲУКУМАТГА ОИД БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАШКИЛОТИ БЎЛИБ, УНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ДОИМИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИШ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 24-сонли миллий стандарти «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби» «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади. Ушбу стандартга асосан қуйидаги атамаларга таъриф берилган:

- квалификацияланган актив — белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлаш албатта салмоқли вақтни талаб қиладиган актив;
- қарзлар бўйича харажатлар — хўжалик юритувчи субъект қарз маблағларини олиши сабабли амалга оширилган фоизли ва бошқа харажатлар[3].

Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтериясида қуйидаги харажатларни қарзлар бўйича харажатлар деб тан олиш мумкин:

- жалб қилинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар бўйича фоизлар;
- қарзлар билан боғлиқ бўлган дисконтлар (чегирмалар), шу жумладан, облигацияга тегишли дисконтларнинг (чегирмаларнинг) ҳисобдан чиқарилиши;
- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»га мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган молиявий ижара ва лизингга тааллуқли бўлган фоиз харажатлари.

Афсуски, айрим хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтериясида аниқ бир вазиятларга боғлиқ равишда белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ҳолатигача келтирилиши салмоқли вақтни талаб этадиган активлар квалификацияланадиган активлар эканлиги ҳисобга олинмасдан келмоқда. Бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналари, номоддий активлар, электр станциялари, инвестиция кўчмас мулки каби активлар квалификацияланадиган активларга киради. Аммо бошқа турдаги инвестициялар ва ҳар куни катта миқдорларда, қайта такрорланадиган асосда ишлаб чиқариладиган товар-моддий захиралари, гарчанд уларнинг ишлаб чиқарилиши узоқ муддатни талаб этган тақдирда ҳам (масалан, виски, вино, коньяк ва шу кабиларни ишлаб чиқариш) квалификацияланадиган актив бўлиб ҳисобланмайди.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси (IASC) – бутун дунёдаги бухгалтерия ҳисоби соҳаси фаолияти вакилларидан иборат аъзоларни бирлаштирган, ҳукуматга оид бўлмаган халқаро бухгалтерия ҳисоби ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва доимий такомиллаштириб бориш ҳисобланади. IASC бош қароргоҳи Лондон шаҳрида жойлашган. Бу халқаро ташкилотнинг Кенга-

**АЙРИМ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР БУХГАЛТЕРИЯСИДА АНИҚ БИР ВАЗИЯТЛАРГА БОҒЛИҚ РАВИШДА БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДИ БЎЙИЧА ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИГАЧА КЕЛТИРИЛИШИ САЛМОҚЛИ ВАҚТНИ ТАЛАБ ЭТАДИГАН АКТИВЛАР КВАЛИФИКАЦИЯЛАНАДИГАН АКТИВЛАР ЭКАНЛИГИ ҲИСОБГА ОЛИНМАСДАН КЕЛМОҚДА.**

[2] *Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. – Т.: ФАН, 2005, 12-28-б. diss.natlib.uz.*

[3] *Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (24-сонли БҲМС) «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби», 3-4-б.*

[4] *Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (23-сонли БҲХС) «Қарзлар бўйича харажатлар», 2-3-б.*

шига глобал ташкилот ва компанияларда, дунё банкларида катта мансабларда ишлаган юқори обрў-эътибор ва малакага эга бўлган мутахассислар жалб қилинган. Хозирги вақтда юртимизда ҳам бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

23-сонли Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартининг асосий тамойили – «Квалификацияланадиган актив сотиб олинишига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу актив таннархининг қисмини ташкил этади. Бошқа қарзлар бўйича харажатлар давр харажати сифатида тан олинади» деб эътироф этилган[4]. Лекин бизнинг Миллий стандартимизда бундай жумлалар мавжуд эмас.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар даврида, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида ушбу 24-сонли БХМСни 23-сонли БХХС (IAS) асосида қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ушбу миллий ва халқаро стандарларнинг асосий фарқларини, миллий стандартимизда мавжуд бўлмаган хўжалик жараёнларини қуйидагича олиш мумкин.

Халқаро стандартлар бўйича қарзлар харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- БҲХС 39 «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш»да изоҳланганидек, самарали фоиз усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобланган фоиз харажати;
- БҲХС 17 «Ижара»га мувофиқ тан олинган молиявий ижара шарномаларига нисбатан молиявий харажатлар;
- хорижий валютада қарз олишда юзага келадиган курсдаги фарқлар, бунда улар фоиз харажатлари сифатида ҳисобланган даражада ҳисобга олинади.




**ҚАЧОНКИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ БҲХС 29 «ГИПЕРИНФЛЯЦИЯЛИ ИҚТИСОДИЁТЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЕРИШ»НИ ҚЎЛЛАСА, УШБУ СТАНДАРТГА МУВОФИҚ ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ИНФЛЯЦИЯНИ ҚОПЛАЙДИГАН ҚИСМИНИ АЙНАН ЎША ДАВР МОБАЙНИДА ХАРАЖАТ СИФАТИДА ТАН ОЛАДИ.**

Умуман олганда, МҲХС бўйича квалификацияланадиган активлар қуйидагилардир:

- ✓ товар-моддий захиралар;
- ✓ ишлаб чиқариш корхоналари;
- ✓ электр энергияси ишлаб чиқарадиган қувватлар;
- ✓ номоддий активлар;
- ✓ инвестицион мулклар.

Квалификацияланадиган активнинг сотиб олинишига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу активнинг таннархига киритилади. Бундай қарз бўйича харажатлар, қачонки улар тадбиркорлик субъектига келгуси иқтисодий манфаатларни олиб келишининг эҳтимоли мавжуд бўлса ва харажатлар ишончли баҳоланиши мумкин бўлса, актив таннархининг қисми сифатида капитализация қилинади. Қачонки тадбиркорлик субъекти БҲХС 29 «Гиперинфляцияли иқтисодиётларда молиявий ҳисобот бериш»ни қўлласа, ушбу стандартга мувофиқ қарзлар

**ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА, ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА УШБУ 24-СОНЛИ БХМСНИ 23-СОНЛИ БХХС (IAS) АСОСИДА ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ.**

4 *Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (23-сонли БҲХС) «Қарзлар бўйича харажатлар», 2-3-б.*

бўйича харажатларнинг инфляцияни қоплайдиган қисмини айнан ўша давр мобайнида харажат сифатида тан олади.

Халқаро стандартларга асосан қуйидаги фикрлар илгари сурилади: хўжалик юритувчи субъект квалификацияланадиган активга эга бўлиш мақсадида пул маблағларини қарзга олиш даражасида у капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар қийматини давр мобайнида ушбу қарз юзасидан амалга оширилган қарз бўйича ҳақиқий сарфлардан ушбу қарзлар вақтинчалик инвестициясининг ҳар қандай инвестицион даромадини чегириш орқали аниқлаши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект пул маблағларини қарзга олганда ва улардан квалификацияланадиган активга эга бўлиш мақсадида фойдаланганида, тадбиркорлик субъекти капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар қийматини аниқлаш учун ушбу актив юзасидан қилинадиган сарфларга капитализация ставкасини кўпайтириши керак. Капитализация ставкаси давр мобайнида тадбиркорлик субъекти қарзларининг тўланмаган қисмига тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган фоизига тенг бўлиши лозим, бунда квалификацияланадиган активга эга бўлиш мақсадида жалб этилган қарзлар чегириб ташланади. Хўжалик юритувчи субъект давр мобайнида капитализация қиладиган қарзлар бўйича харажатларнинг қиймати ушбу даврда у амалга оширган қарзлар харажатларининг қийматидан ошмаслиги лозим. Агар квалификацияланадиган активнинг баланс қиймати ёки кутилган якуний қиймати унинг қопланадиган суммасидан ёки соф сотиш қийматидан ошса, баланс қиймати бошқа халқаро стандартлар талабларига мувофиқ қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилади. Муайян ҳолатларда, қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилган қиймат бошқа стандартларга мувофиқ қайта тикланади.

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА АСОСАН ҚУЙИДАГИ ФИКРЛАР ИЛГАРИ СУРИЛАДИ: ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ КВАЛИФИКАЦИЯЛАНАДИГАН АКТИВГА ЭГА БЎЛИШ МАҚСАДИДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚАРЗГА ОЛИШ ДАРАЖАСИДА У КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҚИЙМАТИНИ ДАВР МОБАЙНИДА УШБУ ҚАРЗ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚАРЗ БЎЙИЧА ҲАҚИҚИЙ САРФЛАРДАН УШБУ ҚАРЗЛАР ВАҚТИНЧАЛИК ИНВЕСТИЦИЯСИНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ИНВЕСТИЦИОН ДАРОМАДИНИ ЧЕГИРИШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАШИ ЛОЗИМ.**

Хўжалик юритувчи субъект квалификацияланадиган активга эга бўлиш мақсадида, яъни бино қуриш мақсадида банкдан кредит олганда кредит фоизи қуйидаги иккиёқлама ёзувлар билан бухгалтерияда акс эттирилиши лозим:

Фоизлар ҳисобланганда:

Дт 9610 – Фоиз кўринишидаги харажатлар

Кт 6920 – Тўланадиган фоизлар

Фоизлар тўланганда:

Дт 6920 – Тўланадиган фоизлар

Кт 5110 – Пул маблағлари

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига асосан қуйидаги иккиёқлама ёзувлар берилиши лозим:

- қарзлар бўйича харажатлар капиталлашувининг ўртача ўлчанган ставкасини ҳисоблаган ҳолда капиталлаштирилиши мумкин бўлган қарзлар юзасидан харажатлар суммаси ҳисобланганда:

Дт Қарзлар бўйича харажатлар (ушбу счёт миллий стандартларимизда мавжуд эмас)

Дт 9610 – Фоиз кўринишидаги харажатлар

Кт 6920 – Тўланадиган фоизлар

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларда қарзлар бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштириш учун халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига қўшимча равишда янги счётларни киритиш зарур, бу хўжалик юритувчи субъектларда қарзлар бўйича харажатларнинг ҳисоби миллий бухгалтерия тизимининг узлуксизлик ва ишончлилик тамойиллари асосида юритилишига олиб келади. Қарзлар бўйича харажатларнинг бир қисми квалификацияланадиган актив қисмига ўтганлиги ҳисобига активларнинг ликвидлилик даражаси ҳам ортади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса сифатида айтиш мумкинки, қарзлар бўйича харажатлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш учун бир неча БҲХС(IAS) ларни миллий стандартларга мувофиқлаштириш ва улар жумласига БҲХС 39 «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш», БҲХС 17 «Ижара», БҲХС 29 «Гиперинфляцияли иқтисодиётларда молиявий ҳисобот бериш», БҲХС 20 «Давлат грантларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини очиб бериш» стандартларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

*Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал*

# БПК

**БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ**

**РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ**

*Ежемесячный экономический научно-практический журнал*




Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

**(+998)71-234-91-13;**
**(+998)94-677-78-04**

**ОБУНА УШБУ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ РАСМИЙЛАШТИРИЛСА, ТАҲРИРИЯТ ЖУРНАЛНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**
- АЖ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ҲУДУДИЙ ФИЛИЛИАЛЛАРИДА
- АЖ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» ҲУДУДИЙ ФИЛИЛИАЛЛАРИДА

**БУХОРО ВИЛОЯТИ**
- «INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**
- «MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**
- «INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**
- «INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**
- «СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ» – 97-277-27-72

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
- «SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**
- «KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-18-94
- «ТОШКЕНТ МАТБУОТ МЕДИА» – 97-156-22-77
- «INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**
- «INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70
- «ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ» – 97-922-02-33

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**
- «INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70
- «САЙЁР – 2017» МЧЖ – 99-990-61-01

**«БПК» журналига 2021 йил учун обунани бугуноқ расмийлаштиринг. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молия, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари борасида бир қадам олдинда юринг!**

Хизматлар лицензияланган

www.bpk.uz

AGROBANK

СБЕР БАНК

# Masofadan oilangizni qo'llab-quvvatlang



- Chet elda ishlab turib, oilamizga yaqin bo'lishni va ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlashni xohlaymiz.
- Endilikda ular pul o'tkazmalarini olish uchun bankka borishlari shart emas.
- Siz shunchaki «СберБанк Онлайн» ilovasi orqali pul yuborsangiz kifoya. Ular esa pullarni Humo yoki UzCard kartalariga qabul qilishadi.
- Xalqaro pul o'tkazmalaridan foydalanadigan mijozlar uchun bank kartasini ochish bepul.

Xizmatlar litsenziyalangan


TRASTBANK
ISHONCH BILAN YUZMA-YUZ
WESTERN UNION
Азия Экспресс
Золотая Корона
CONTACT
MoneyGram. денежные переводы
ЮНИСТРИМ ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ
YUBORING VA QABUL QILING
Dunyo bo'ylab
xalqaro pul
o'tkazmalari
Tel.: 78 140-00-88
www.trustbank.uz
Xizmatlar litsenziyalangan